O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 28-may • № 21 (3747)

ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИДА УЧРАШУВ

Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети бундан икки йил аввал мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган эди. Пойтахт марказидаги энг муҳташам бинолардан бирига жойлашган бу халқаро илм даргоҳи минтақамизда Буюк Британиянинг илғор олий таълим тажрибасини ўзида мужассам этган ягона ўқув юртидир. Университет талабаларга Лондондаги Вестминстер университетининг ўқув дастурига асосан бизнес, иқтисод, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ йўналишлари бўйича Британия нусхасидаги бакалавр дипломи даражасини олиш бўйича сабоқ беради.

Кеча ана шу илм даргоҳига Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов раҳбарлигида бир гуруҳ ижодкорлар ташриф буюришиб, университет ҳаёти, ўқув ва компьютер заллари, кутубхоналар ва таълим жараёнлари билан танишдилар. Илм даргоҳининг ижтимоий масалалар бўйича маслаҳатчиси Баҳром Абдуҳалимов ижодкорларга университетнинг таълим йўналишлари ва бу масканда талабаларга халқаро андозаларга мувофиқ сабоқ бериш билан боғлиқ тажрибалар, улар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг университетнинг мажлислар залида талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ижодкорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Университет ҳаётидаги бу анъанавий мулоқот "Куч — билим ва тафаккурда" деб номланди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Ғарб маданияти ва олий таълим тизими асосида сабоқ берадиган халқаро университет талабаларини самимий қутлаб, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг истиқболи нечоғлиқ порлоқ эканлиги хусусида фикр юритди. Президентимиз томонидан истеъдодли ёшларимиз учун яратилган бундай шарт-шароитлар ҳар қанча ифтихор қилишга арзигулик эканлигини таъкидлади ва ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, ёзувчи Муҳаммад Али, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси, шоира Шарифа Салимова, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Минҳожиддин Мирзо, шоирлар Иқбол Мирзо ва Рустам Мусурмон бу таълим даргоҳини мустақиллик йилларида қўлга киритилган катта ютуқлари кўзгуси сифатида таъриф этишиб, ёшларнинг илм сирларини эгаллашлари йўлида муваффақиятлар тиладилар ва ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар. Ижодкорлар ва талабалар ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида адиблар уларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар. Талабалар томонидан тайёрланган турли мавзулардаги мультмедиа тасвирлари томоша қилинди.

Эртага Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа барча қизиқувчилар учун "Очиқ эшиклар куни" ўтказилади.

ШЕЪРИЙ ЛАҲЗА

Рамз БОБОЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАНИНГ ТИНЧ – СЕН ТИНЧ

Абдулла ОРИПОВга

Ватанинг тинч бўлса, сен тинч,
жигарим,
Мен эса ёмондан огоҳман, огоҳ...
Ҳали тўлганча йўқ кўнгил дафтарим,
Мисралар қатига томмасин сиёҳ!
Алдамчи панд бериб, маккор кулмасин,
Қани, ҳей юрагим, ўзни қўлга ол!
Қулф урган боғларим бевақт сўлмасин,
Яшнаган ниҳолга соқчи бўлиб қол!

Азизим,
бу Ватан сеники,
меники, аммо,
Уники эмасдир, билиб қўйсин, у!
Номард пистирмадан кўтариб ғавго,
Қошки, солаолса жўмардга қўрқув?!
Йўқ!
Унинг хаёли ҳавойи, бебурд,
Имони беқарор, нияти пучдир...
Қалбини кемирар ёвузликдай қурт,
Халқ буюк,
енгилмас,
қудратли кучдир.

Сохта ғояларга ўтли ғоямиз,
"Сафсата"га қарши фалсафамиз бор.
Мабодо, тонготар тушса соямиз,
Демак,
қуёшимиз сарбаланд,
сардор...
Мана, мен баҳс десанг, баҳсга тайёрман,
Баҳс тагида хасис ҳақиқат ётар...
Ҳақ сўзга ҳамиша интиқман,
зорман,
Таажжуб!
Виждонсиз виждонин сотар...

Ҳа, шундай, жигарим! Кел, яна яқин,
Бирлашсак, нонимиз беминнат, бутун...
Қўлимиз узундир, йўлимиз ёрқин,
Эртанги кунимиз бугундан тўкин...
Шодман!
Ҳамжиҳатлик, тинчлик барқарор,
Ёв бардош беролмас кўз қиримизга...
Ишончим комилдир,
ҳамдард, вафодор,
Самимий бўлсак, бас, бир-биримизга!!!

СОҲИБҚИРОН ДАВЛАТИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган сиймолар орасида соҳибқирон Амир Темурнинг алоҳида ўрни бор. Соҳибқироннинг ватанпарварлик шижоати, бунёдкорлик ишлари, илму фанга ҳомийлиги, саркардалик санъати, дипломатик фаолияти чиндан ҳам чуқур ўрганишга ва хулосалар чиқаришга муносибдир. Айниқса, Амир Темур давлатининг халқаро муносабатлари ва бу йўлдаги тажрибалар бугунги кунда мустақил Ўзбекистон Республикаси жаҳонга юз тутаётган, дунёнинг кўп мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатаётган бир пайтда жуда ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

Яқинда соҳибқироннинг она шаҳри Шаҳрисабзда Амир Темур таваллудининг 2006 йилда нишонланадиган 670-нчи санаси олдидан бўлиб ўтган «Амир Темур давлатининг халқаро муносабатлари» илмий-амалий анжумани айни шу мавзуга бағишланди. Анжуманни Халқаро Амир Темур жамғармаси, Темурийлар тарихи давлат музейи, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказдилар. Унда Тошкент ва Самарқанддан мамлакатимизнинг таниқли олим ва адиблари иштирок этдилар.

Шаҳрисабз туманининг санъат саройи жамоат вакиллари, зиёлилар, ўқитувчилар, ўқувчилар, тарих ихлосмандлари билан лиқ тўлди. Фойеда ташкил этилган «Соҳибқирон Амир Темур вилоят рассомлари нигоҳида» номли кўргазма барчанинг диққатини ўзига тортди. Халқ амалий санъати марказининг қўли гул ҳунармандлари ҳам ўзлари ясаган нодир буюмларни намойиш қилдилар.

Анжуманни Қашқадарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари котибияти мудири А.Эркаев очди. Шаҳрисабз тумани ҳокими А.Эрдонаев вилоят ҳокими Н.Зайниевнинг анжуман қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

— Ўрта асрлардай мураккаб бир даврда Ватан ғамини чекиш, пароканда юртни бирлаштириш, илму фан ҳомийси-ю бунёдкор бўлиш баробарида халқаро дўстона алоқаларни йўлга қўйиш Амир Темурнинг фавқулодда бир шахс эканлигини кўрсатади, — деди ўз маърузасида Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — У жаҳоннинг қудратли давлатлари билан тенг ҳуқуқларда алоқалар боғлашни ўйлаб элчилар юборди. Савдо йўлларини очди. Бошқача айтганда, дипломатиясиз дунё барқарор бўла олмаслигини чуқур англади. Шу сабабдан дипломатия Амир Темур сиёсатининг мустаҳкам устуни даражасига кўтарилди.

Анжуманда таниқли олимлар — Б.Маннонов соҳибқироннинг кенг қиррали дипломатик фаолияти, У.Уватов "Амир Темур давлатининг араб мамлакатлари билан муносабатларига доир", М.Холбеков «Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари», О.Бўриев «Клавихо кундалигида Мовароуннаҳр тарихий географияси», А.Бердимуродов Амир Темур шарқона дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маърузалар қилдилар. Ёзувчи Тўлқин Ҳайит «Амир Темурнинг кастилиялик ўғли» маърузасида соҳибқироннинг инсоний фазилатларига тўхталди... Анжуман давомида олимлар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Илмий-амалий анжуман қатнашчилари Оқсарой олдидаги Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Шунингдек, Китоб туманидаги Ҳазрат Башир ёдгорлигини зиёрат қилдилар. Соҳибқирон туғилган Хўжа Илғор қишлоғидаги учрашув жуда ҳаяжонли кечди. Табаррук масканда ўтганлар руҳига бағишлаб тиловат қилинди.

Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан ўтказилган ушбу тадбир барчада ёрқин таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналишида бу масъулият, айниқса, катта.

Мамлакатимиз раҳбарининг «2004 — 2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишида ҳам педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, мактабларнинг олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиш даражасига жиддий эътибор қаратиш масаласининг долзарблиги алоҳида таъкидланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчи педагогларнинг заҳматли меҳнати ҳамда жамият ижтимоий-маънавий тараққиётига қўшаётган холис ҳиссасини рағбатлантириш, умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш — зарур эҳтиёж.

Мактабда ҳар бир фан йўналиши бўйича синф хоналарини нормал таълим ва тарбия жараёни учун стандартларда кўрсатилган меъёрий мезонлар, талаблар даражасида жиҳозлаш, қишлоқ жойларидаги ва шаҳарлар хусусиятларини тулақонли эътиборга олиш, фармойишда таъкидланганидек, муҳим аҳамиятга эга.

Педагоглик касбининг ўзига хослиги, алоҳида хусусияти шундан иборатки, ўқитувчи ўз билим, малака ва кўникмаларини узлуксиз тўлдириб бориши лозим.

Аслида ташаббускор педагоглар ўз ишига сидқидилдан ёндашадилар, иш куни, вақтнинг уларга аҳамияти чегараланмаган, ўз ғоялари ҳақида, таълимни такомиллаштиришнинг энг мақбул йўллари ҳақида тинимсиз фикрлайдилар, янги ихтиролар қиладилар. Бу тоифадаги туғма ташаббускор, қобилиятли ўқитувчиларни аниқлаш, уларни қўллаб қувватлаш, дарс ишланмаларидан тажрибада фойдаланиш керак. Ана шундай истеъдодли, ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия жараёнига катта ҳисса қўшаётган ташаббускор фидойи ўқитувчиларни рағбатлантириш механизмини вужудга келтириш назарда тутилганлиги фармойишнинг аҳамиятини янада оширади.

Мамлакатимиздаги янгиланишларни, истиқлол мафкурасини ўқувчилар онгига сингдиришда мактабнинг ўзига хос ўрни бор. Бинобарин, буюк келажак ворислари мактабларда тарбияланади. Буни бир нафас ҳам унутиб бўлмайди.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА,
педагогика фанлари номзоди

МУНОСАБАТ

ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Ўзига ишонган халқ камчиликларини тан олишдан қўрқмайди. Чунки у ўша хатокамчиликларини тузата олишига кўзи етади ва уларни тузатади ҳам. Шу маънода куни кеча телевидениемизда намойиш этилган "Таҳлилнома" кўрсатуви одамларда катта таассурот қолдирди. Негаки, у ҳаммамизга бирдек дахлдор, долзарб муаммо — мактаб муаммосига бағишланган эди.

Ҳукуматимиз мактабга алоҳида эътибор бермоқда. Вазирлар Маҳкамасининг яқиндаги мажлисида Президентимиз қанчалик куйиниб-койиниб, ҳам танқидий, ҳам конструктив руҳда гапиргани кўрдик. "Таҳлилнома" Юртбошимиз даъватига амалий жавобдир. Муаллифлар ҳукуматимиз кўраётган тадбирлар, Президентимиз даъватидан келиб чиқиб, айрим мактабларнинг ночор аҳволи, моддий-техникавий базаси талабга жавоб бермаслигини ҳам асосли танқидий мулоҳазалар, ҳам видеотасвир — фактлар билан кўрсатиб бердилар. Тошкент вилояти туманларидан биридаги 45-мактабнинг ташқи ва ички ҳароблиги, полининг ёрилиб кетганлиги, ғижирлаб туриши, интервю бераётган муаллиманинг ўйиққа тушиб кетишига оз қолгани: мактаб деб аташга тил бормайдиган мослаштирилган бинолар, ойналари синиқ деразаю, қинғир-қийшиқ эшиклар, қўримсиз томлару, лекин илмга чанқоқ, кўзлари чақноқ, спортга ишқибоз ўғил-қизлар, бир қизалоқнинг яхши мактабни орзу қилиб битган таъсирли шеъри ва бошқа хомуш манзаралар кишини ўйга толдиради. Пойтахтимизнинг шундай биқинидаги Чиноз, Қуйи Чирчиқ, сал нариоқдаги Бўка туманларида аҳвол шундай бўлса, узоқ Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида аҳвол қандай экан?.. Бу таъмирталаб мактаблар рўйхатидан аён бўлди. Касални яширдик, иситмаси ошкор қилди. Ҳеч бўлмаганидан — кеч бўлгани яхши! Анча-мунча мактаблар "тез ёрдам"га, яхши таъмирга, замонавий жиҳоз-ускуналарга, меъморларнинг замон талабларига мос, пишиқ лойиҳаларига муҳтож. Янги ўқув йилига қадар уч ой бор. Бу орада ҳукумат идоралари, Халқ таълими вазирлиги, жамоатчилик, маҳалла-кўй, ота-оналар биргаликда анча ишни қилиб қўйишлари мумкин. Мактабга эътиборни бир зум ҳам унутмаслигимиз лозим. "Таҳлилнома" кўрсатуви шундай фикрлар уйғотди.

Сайди УМИРОВ,
Жаҳон тиллари университети
кафедра мудири

ОЙ НУРИДАТИ ҚЎШИҚ

Биринчи ҳолат:

Ҳамма оҳанг мавжида оқа бошлади. Бирдан микрофонлар ўчди. Мусиқа ҳам тинди... Оний лаҳза ўз таҳликасини кишилар кўнглига ташлаб ўтди. Аммо шу соснянинг ўзидаёқ жарангдор овоз янада равшанроқ, янада тиниқроқ бўлиб юракка қуйила бошлади:

Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман...

Қўшиқ селида кўзларда ёш қалқди...

Иккинчи ҳолат:

Фестивалнинг якуний қисми. Қайноқ ҳаяжонлар ва ҳис-туйғулар, кўнгиллар парвози ва эҳтиросларе авжида ўтган ижодий беллашувнинг сўнгги онида ягона ғолибни аниқлаш қийин кечди. Ахир бу қўшиқларнинг ҳар бирида катта бир халқнинг қудратли овози ва тафти келиб турарди-да! Ва барида шарқ оҳангларининг жилвасозлиги, шиддати...

Аммо қалблар ягона туйғуда бирлашди: "Ватанни ёр каби сева олган аёл муҳаббати" буларнинг баридан устун келди...

Учинчи ҳолат:

... Ўшанда у ўзининг яна бир бор таваллудини ҳис қилди. Ўзидан баландроқ, ўзидан юксакроқ... Ватан дарди билан яралган ва минглаб қўшиқ ихлосмандлари томонидан севиб қарши олинган, улуғ санъаткорлар тан берган ёш хонанда — Ойхон Эшонхон эди...

* * *

— Санъаткорнинг умри унинг қўшиқлари умри билан белгиланади. Сиз "Ватан" қўшиғи билан яна бир поғона юксалдингиз. Айтиш мумкинки, кўнглингизнинг энг чуқур оғриқларига бориб етдингиз, ета олдингиз. Қўшиқ яратишда сизни қийнаган нарса нима?

— Дарднинг ўзи... Биласизми, ҳали ҳам кўз олдимда ўша саҳна: томошагоҳ тўла одамлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, хуллас, қондош, жондош халқларнинг энг ишонган созандалари... Фестивалга боргунча юрагимда бир ишонч бор эди. Аввало, яхши ният кўнглимни ёритиб турганди. Саҳнага чиқдиму, менга боқиб турган минг-минглаб нигоҳлар олдида негадир ўзимни ёлғиз ҳис этдим. Бир лаҳза ўз мухлисларим мададини туйгим, тилимни, дилимни тушунадиган элимни кўргим келди...

— Айтишларича, қўшиқ куйланаётганда бирдан микрофонлар ўчибди...

— Нафақат микрофонлар, балки мусиқа ҳам ўчди. Бирдан қўшиқни жонли ижро этишингиз керак бўлди.

— Худди шу сония кўнглингиздан нималар ўтди?

— Бир томондан: "Наҳотки, синашаётган бўлса? Синашяптими, демак, ишонишмайди", деган ғалати ўй ўтди. Иккинчи томондан, бу — энг одилона синов. Айнан шу нарса менга дадиллик берди. Ёлғизликни ҳис қилсангиз, барибир юрагингизга таянасиз. Энг муҳими, ўша дақиқаларда шошиб қолмадим, тушкунликка тушмадим. Қўшиқни ҳам миллий, ҳам эстрада йўналишида яратгандим. Бундай йўл тингловчи қалбига тезроқ етиб боришини таъминлайди, деб ўйлайман. Қўшиқни куйлаяпман-у кўзимдан Ўзбекистоним ўтяпти.

Унингсиз эзилган тутман,
унингсиз тўкилган сутман,
Унингсиз бугдойи пишиб,
унутилган бир ҳудудман...

Шу пайт одамларнинг миҳжасида ёш милтиллаб турганини пайқадим. Ахир хорижда ҳам қанчадан-қанча миллатдошларимиз яшайди! Бир пасда ҳалиги бегоналикни йўқотдим. Яқинларимни топгандек бўлдим. Ватан туйғуси халқни бирлаштираркан. Бу ёруғ лаҳзаларни эса яшаб ўтиш керак экан.

— Ўзингиз ҳам эътироф этяпсизки, қўшиқнинг яна бир муваффақияти унинг матнида, яъни шеърда, шундай эмасми?

— Тўғри, шеър жуда кўп нарсани белгилайди. Сўз — ҳамиша асос. Аммо у оҳанг ва овоз билан уйғунлашгандагина яхши қўшиқ бўла олади. Буларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Бу борада ҳар бир санъаткор ўз диди ва савиясига, маҳоратига таянади.

Давоми тўртинчи бетда.

"САРВИНОЗ"

Душанба куни пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Санъат саройида режиссёр Баҳром Ёқубовнинг D.VISION студиясида суратга олинган "Сарвиноз" филмининг тақдимоти бўлиб ўтди. Асар сценарийси ёзувчи Шойим Бўтаев қаламига мансуб. Филмда Сарвинознинг ва Одилнинг муҳаббати орқали бугунги ёшларнинг жўшқин ҳаёти, уларнинг ички кечинмалари, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар имкон қадар очиб берилган. Асарнинг ютуқларидан бири шундаки, унда драматик кўринишлардан ташқари иқтидорли хонанда Шаҳзоданинг қуй-қўшиқлари ҳам янграйдики, бу филмнинг руҳига сингиб кеттан.

Филмда Убайдулла Омон, Мурод Ражабов, Гавҳар Зокирова, Саида Раметова сингари томошабинлар орасида анча таниқлиб қолган актёрлар билан бир қаторда ролларни Камола Умарҳўжаева, Улуғбек Юнусов, Ситора Фармонова каби иқтидорли ёшлар ўйнаганлар. Асосий ролларни эса Зилола Мусаева (Сарвиноз) ва Улуғбек Қодиров (Одил) ижро этганлар. Ёшларнинг севимли хонандаси Шаҳзода (З.Мусаева)нинг кинодаги илк дебюти ҳамдир.

Асар режиссёр Баҳром Ёқубовнинг ҳам илк катта иши. Шу маънода кино ҳаётийлиги, шаҳримизнинг сўлим гўшалари суратга олинганлиги билан диққатни тортади.

"Сарвиноз" филми камчиликлардан ҳам холи эмас. Баъзи актёрларда профессионализм етишмайди, чўзилиб кеттан диалог ва монологлар томошабинни зериктириб қўяди...

Филмнинг бугунги кундаги аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, "Сарвиноз" ҳозирги ҳаётимиздаги долзарб муаммоларга кино воситалари орқали муносабат билдирилганлиги билан қиммат лидир.

Адиба УМИРОВА

1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



Элак қулар тапир-тупур,
Чўмич қулар тарақ-туруқ,
Қозон қулар шарақ-шуруқ,
Жомча қулар даранг-дурунг,
Ойна қулар жаранг-журунг,
Дикир-дикир, қиқир-қиқир,
Шақир-шуқур, тапир-тупур,
Тарақ-туруқ, шарақ-шуруқ,
Даранг-дурунг, жаранг-журунг...

ҚАЛАМ ҚЎШИҒИ

Ишлаяпман тинмасдан,
Қитир-қитир.
Соғ юрсам бас синмасдан,
Қитир-қитир.
Ишлаб-ишлаб озаман,
Қитир-қитир.
Жонни тикиб ёзаман,
Қитир-қитир.

ҚИРЧАНҒИ ҚЎШИҒИ

Тош йўлларда мудрайман,
Тақа-туқ, Тақа-туқ.
Зил извошни судрайман,
Тақа-туқ, Тақа-туқ.
Қамчилашар ачитиб,
Тақа-туқ, Тақа-туқ.
Ем беришмас ёлчитиб,
Тақа-туқ, Тақа-туқ.

Қўйиб беринг дафтарга.
Тўғри, ишим сал чатоқ,
Мазам йўқ шу "саноқ"дан.
Лекин аям, "беш" олсам,
Бермоқчийди қўноқдан.
Қўноқ нима, билмайман,
Бир тотай-чи таъмини.
Ширин бўлса,
Сизга ҳам —
Опкеламан ярмини.

ҲАЗИЛНИ ЧЎЗВОРДИ

Сўрадик
Норполвондан —
Йиғлаб бер, деб,
Елғондан.
Бир соатки
Йиғлар Нор...
Юпатинглар,
Ҳой, ким бор!

АДИ-БАДИ

Чойнак боқди
Ойнакка.
Ойнак боқди
Чойнакка.

Чойнак деди:
— Ҳей, ялпоқ!
Ойнак деди:
— Дингқулоқ!

МАСХАРАБОЗ БОЛА

Катта қизил бурунли
Қизиқчиман, биласиз.
Айбингизни гапирсам,
Ҳафа бўлмай куласиз,
Ваҳ-ҳаҳ-ҳа.
Гапиришдан қўрққанлар
Олсин менинг ўрнимни.
Қарзга бериб тураман
Катта қизил бурнимни
Ваҳ-ҳаҳ-ҳа.

Анвар ОБИДЖОН

КУЛГИГА ТЎЛДИ ҲАММАЁҚ

ТЎПОЛОНЧИ ТЎПЧА

Қочоқ тўпим тегди бориб
Айвондаги челакчага.
Челакчадан сакради сўнг
Қозиқдаги элакчага.

Тўпим қулар дикир-дикир,
Мен қуламан қиқир-қиқир,
Челак қулар шақир-шуқур,
Элак қулар тапир-тупур.

Бехос йиқилди токчадан
Ёғоч чўмич доғда қолиб.
Шўрвасини тўколмади
Қозонга тўп калла солиб.

Тўпим қулар дикир-дикир,
Мен қуламан қиқир-қиқир,
Челак қулар шақир-шуқур,
Элак қулар тапир-тупур,
Чўмич қулар тарақ-туруқ,
Қозон қулар шарақ-шуруқ.

Жомчани ўтди ағдариб,
Ойнани ҳам қилди пачоқ...
Ҳаммани қулдирди тўпим,
Кулгига тўлди ҳаммаёқ.

Тўпим қулар дикир-дикир,
Мен қуламан қиқир-қиқир,
Челак қулар шақир-шуқур,

ЎЗИМ ЎҚИЙМАН

СИЗДАН УГИНА...

Ялинар қув Синчалак
Ўқитувчи Каптарга:
— Мумкин бўлса,
Битта "беш"

"БЎЗТЎРҒАЙ"НИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Қашқадарёлик шоир Сувон Соқий, ўзим туғилиб ўсган воҳанинг, бепоён даштларнинг бир камтарин куйчисиман, дея рамзий маънода илк шеърий китобининг номини "Бўзтўрғай" қўйган.

Кел даламга, бўзтўрғайим, бўзлашайлик,
Учиб-қўниб яйра, қушим, ҳаволарда.
Сенинг билан қуш тилида сўзлашайлик,
Менинг дилим ташна эрур наволарга.

"Бўзтўрғай"дан сўнг Сувон Соқийнинг яна кўп китоблари нашр этилди. Шеърият ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлди. Аммо Сувон Соқий дастлаб Бўзтўрғай тимсолида намоён бўлди. Ўқувчилар эсида қолди.

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилояти театрида Сувон Соқий таваллудининг 75 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган кеча вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев табриги билан очилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов йўллаган табрик хатини шоир Рустам Мусурмон ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бўлими раҳбари Абдужалил Тайнатов, "Қашқадарё" газетаси бош муҳаррири Бўри Норқобилов, вилоят касаба уюшмалари раиси Эсон Ражабов ва бошқалар Сувон Соқий ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида сўзладилар. Узоқ йиллар давомида турли оммавий ахборот воситаларида фидокорона меҳнат қилган Сувон Соқийнинг тенгдошлари, курсдош дўстлари — меҳнат фахрийлари Иброҳим Очилов, Қурбон Эгамбердиев, Орол Мўминов, Райим Эгамбердиев сўзга чиқиб, ёшлик дамларининг гаштли воқеаларини, бошдан кечирган саргузаштларини эсладилар. Ўз ижодлари билан мустақил Ватанга хизмат қилаётганлари учун шукрона айтишди.

Кечада ёшлар шоир шеърларидан намуналар ўқидилар. Санъаткорлар Сувон Соқий шеърларига басталанган қўшиқларини ижро этишди.

М.РАВШАН

ТУРОБ АКАНИНГ ИЗЛАРИ

ЁДНОМА

Жиззахда бир адабий анжуманда иштирок этардик. Камина ҳам бир нарсалар дегандай бўлди. Тамшаниб. Чайналиб. Боз устига дудуқланиб. Келиб ўрнимга дўндим. «Яхши гапирдингиз», деди бир йигит. Мен ҳам: «Ҳа, энди ёмон гапириш қўлимдан келмаса нима қилай? Иложи йўқ», дедим.

Йигит бошдан-оёғимгача бир разм солди-да, ҳа энди бу одамнинг бўлгани шу экан-да, дегандай ўзини таништирган бўлди:

— Тўра ака, Сизни ман орқаваротдан эшитиб юрар эдим. Мана, бугун кўришиш, гаплашиш насиб қилган экан. Шунга шукр. Мен Туроб Тўланинг тус жияниман. Исмим Жўра Исроилов. Тоғам раҳматлик бахмаллик Чучук момо ҳақида достон ёзишга чоғланиб юрган кезларида Жиззахга келиб, бизникида ётиб юрдилар. Сизни бир-икки марта эслаб, роса миннатдор бўлган эдилар. Бахмалда бир ҳафта олиб юрган экансиз. Тоғамнинг Турсун босмачи ҳақида маълумот олишлари бироз қийин бўлган экан. Сиз туфайли...

Тўғриси, энг яқин кишиларимдан бирининг туққан жияни билан кутилмаган бир пайтда учрашганимдан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Миртемир оға, Зулфия опа, Туроб ака... Суйсам суйгулик, суянсам суянгулик кишиларим. Мени орқаваротдан кузатиб юрадиган; қоқилар бўлсам қўллаб, суринар бўлсам суяб қоладиган тоғларим, таянчларим.

Ойсиз осмон ғариб. Офтобсиз олам ғариб. Чўлпонсиз субҳи содиқ ғариб. Дўстларсиз дўсти азиз ғариб. Сарбонсиз карвон ғариб. Миртемир оға сарбонликни эгасига топшириб, сафимизни тарк этган кунлари биз бир талай бўталоқ-тойлоқчалар бўзлаб қола берган кунларимизда Зулфия опа менга таскин-тасалли берди...

Сен дардингни айтмай туриб, тушунадиган табиб — табиб. Айтар дардингни айтмай туриб, билган додҳо — додҳо. Туроб ака ана шундай додҳоларимдан бири эди.

Энди мен чинакам ётиб олиб гаплашадиган кишимни топган эдим. Суҳбатлашган сайин қайси бир хулқи, қайси бир одати Туроб акани эслатадиган — яхшимиздан қолган ёмонимизни топган эдим. Туроб ака иш юзасидан Жиззахга бир неча марта келиб-кетган бўлсалар, Жўра Жиззаҳда театрда ишлаётган эканлар. Ўтган йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" деган унвонни олибди. Тоға жияни-да. Айтиб қўйибдилар-ку, эр йигит тоғасига тортар, деб. Жиззах ҳам беҳикмат жой эмас. Бу шаҳардан кимлар чиқмаган дейсиз.

Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон, Ўктам Орипов... Жўра билан гапимиз бошдан-оёқ Туроб

ака ҳақида кетди. Туроб аканинг менга қилган яхшиликлари. 1982 йиллари Туроб ака Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири эдилар. У кишининг шарофати билан китоб деб айтса бўладиган "Истар кўнгил" (10 босма табоқ), "Жаҳоннома" (14 босма табоқ) рисолаларим чиқди.

Мен ҳам одам бўлиб ўша саксон иккинчи йиллари устимда бир гап айланди. Гап бўлганда ҳам чатоқ гап. Ғийбат гап. Ернинг устида юриб бўлмайдиган гап. Бу гап ўрмалаб Ёзувчилар уюшмасига, ундан Ўзбекистон Марказқўмигача етиб борибди. Менинг эса кўп гаплардан, менга аталиб қазиб қўйилган чоҳлардан мутлақо хабарим йўқ. Мени энди "дорга осмоқчи" бўлганларида Туроб ака ўртага тушиб, мени "қатли ом"дан сақлаб қолганлар. Менга келган балони даф қилганлар. Буларни кейин билдим. Қорлар ёғиб, излари босилганидан сўнг...

Туроб ака табиатан хуштаъб, хушсухан, хушсурат, хушхулқ, дилбар шоир эдилар. Менинг шеър ўқишимдан ҳеч ҳам кўнгли тўлмасди. Сен қачон одам бўласан, деб қўярдилар. Шаҳарга кел, десак, келмасанг. Қачонгача, Чўли Ироқ бўлиб юрасан, сен ўзи, дея менга қўлидан келган ёрдамларини аямасдилар.

Туроб аканинг номлари Бахмал туманида ўта машҳур. "Чучук момо" достони кириб бормаган биронта хонадон йўқ ҳисоби. Радио ё телевидениеда Туроб аканинг биронта қўшиғи айтилар бўлса, бахмаллик қариялар, ана бизнинг шоирдинг қўшиғи айтилажатир, деб қўярдилар. Биз яқинда Саъдулла Сиёев билан Бахмал туманининг Тенгатопди қишлоғида бўлиб, у ердаги уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашдик. Туманнинг машҳур кишилари — Мухтор Дўстмуродов, Салоҳиддин Умрзоқов, Санақул Бегалиев, шоирнинг мухлислари Абдуваҳоб Абдувоҳидов, Эшпўлат Мамановлар билан Туроб акани эсладик.

Туман ҳокими туман марказидаги маърифат ва маданият ўчоқларидан бирининг номини шоир номига қўйиш режалари борлигини айтди. Саъдулла Сиёев илгари "Муштум"да ишлатиб юргандаги "наштар"ини ёнида ола келган экан. Пайтдан фойдаланиб, бизга бир-икки ботириб ҳам олди:

— Арзийди. Бахмалдан бир эмас, бир неча ёзувчи чиқди. Бироқ биронтаси Бахмал, унинг бағри бутун кишилари, тарихий шахслари, Чучук момолари ҳақида ғинг демадилар. Туроб ака эса "Чучук момо" баҳонасида Бахмални, бахмалликларни мамлакатимизга танитди.

Яхшиларни бот-бот эслаб, номлари тилга олиниб турилган хонадонлардан файз-барака кўтарилмас эмиш. Азиз кишиларнинг номлари, ишлари, туриш-турмушлари зикр қилиниб турилган хонадон атрофига балоқазолар доримас эмиш.

Насиб қилса, баҳор-ёз ойларида шоирнинг мухлислари билан Бахмал боғларида, Ойқор этакларида, Тенгатопди қишлоғида "Туроб Тўла кунлари"ни ўтказиш ниятимиз бор. Ўшанда куй куйга, куй мушоирага уланади.

Тўра СУЛАЙМОН

МИЛЛИЙ ҒОЯ:

УНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ЭТАМИЗ?

МУТОЛАА

Миллий ғоя нима? Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий ғоя, миллий мафкура масалаларининг кун тартибига қўйилиши қандай сабаблар билан боғлиқ? Жамият ғоясиз яшай олмайдими? Айниқса, миллий истиқлолга эришилгач, бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтиргани бор гап. Собиқ тузумнинг ғоявий хуружларидан, коммунистик мафкуранинг миллатимиз табиатига ёт маҳдудлигидан безиб қолган айрим зиёлилар ҳатто "Яна янги ғоянинг нима кераги бор?" қабилида фикрлай бошлаган эдилар. Энди, орадан муайян фурсат ўтгач, билдикки, миллатни уюштирадиган, жамиятни тараққиётга етаклайдиган ғояга чиндан-да эҳтиёж бор экан.

Аслида миллий ғоя, кимлардир тасаввур этганидек, сунъий равишда ўйлаб топиладиган, хоҳлайдими ёки йўқми одамларни ягона йўлдан юришга мажбур этадиган қандайдир қарашлар мажмуи эмас. Миллий ғоя — миллатнинг яшаш тарзи. Унинг менинг йиллар давомида шаклланган анъаналари, урф-одатлари, қадриятларини ўзида мужассам этади. Шу маънода, у осмондан олинмайди. У бизда мавжуд бўлган ва мавжуд бўлади. Мустабид тузум даврида бизни худди ана шу миллий ўзлигимиздан жудо қилишга уриндилар. Ўнгимизга мавҳум, табиатимизга ёт ғояларни сингдиришга ҳаракат қилинди. Таассуфлар бўлсинки, бунга маълум маънода эришилди ҳам.

Эндиги вазифа эса миллатни собиқ тоталитар мафкура қолдирган асоратлардан халос этиш, ундаги миллий туйғуни уйғотиш, унинг руҳини турли майда адоватлардан фориғ этиб, катта ва улуғ мақсадлар сари сафарбар этишдан иборат. Лекин бу вазифани адо этиш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун жамиятнинг илғор қатлами бўлган зиёлилар — олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар иттифоқ бўлишиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришлари керак. Энг муҳими, бу тарғибот қуруқ даъватлардан, шиорбозликдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. У миллатнинг кечмиши ва бугуни ҳақидаги теран билимга, юксак тафаккурга таянмоғи зарур.

Шу маънода, Абдурраҳим Эркаевнинг "Миллий ғоя ва маънавият" китоби ўз вақтида яратилган ва замон талабларига жавоб бера оладиган тадқиқот бўлган. "Маънавият" нашриётида чоп этилган мазкур китоб ўқувчилар, талабалар, маънавият ва маърифат иши билан бевосита шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланган бўлса-да, жамиятнинг барча қатлами эҳтиёжига хизмат қилиши мумкин. Китобга ёзилган сўзбошида муаллифнинг миллий ғояга берган таърифи ўринли ва асосли. Жумладан, бу ҳақда у шундай ёзади: "Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг давлат мафкураси эмаслигини таъкидлаш жоиз. Биринчидан, уларнинг юридик мақоми, ҳуқуқий кафолатлари йўқ, ҳаммага бирдай мажбурий эмас. Улар жамият аъзолари томонидан ахлоқ меъёрлари каби, ихтиёрий қабул қилинади. Иккинчидан, улар жамият аъзоларининг бир қисми, бирор синфи, табақаси, ижтимоий қатлами, ҳатто бирор бир миллатнинг тор манфаатларини акс эттирмайди. Балки умумхалқ, умуммиллат (Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг) манфаатларини, мамлакатимизда янги қурилаётган эркин, демократик, фуқаровий жамият манфаатларини ифодалайди".

Китобнинг аввалидаёқ мақсад ва йўналишни тўғри белгилаган олим миллий ғоя ва маънавиятнинг ўзак масалалари тўғрисида эътиборга молик фикрларни баён қилади.

Бизнингча, мазкур китобда эришилган ютуқларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

Биринчидан, унда маънавият, инсоннинг руҳий олами ҳақида Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккурида эришилган натижалар умумлаштирилган. Муҳим илмий-назарий хулосалар чиқарилган. Жумладан, муаллиф маънавиятимиз асоси бўлган Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан Имом Мотуридий, Абул Муъин ан-Насафий, Нажмиддин Насафий, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Беруний, Фаробий, Мирзо Улуғбек, Навоий каби алломалар меросигача, Е.Э.Бертельс, Э.Фромм, Н.И.Конрад, Ян Ринка, М.Вебер каби рус ва Ғарб тафаккури намояндаларидан зарур хулосалар чиқарилган.

Иккинчидан, олим муайян илмий асосларга таяниб, ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари ва хусусиятларини тасниф этиб берган. Жумладан, муаллиф қуйидаги босқичларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

1. Энг қадимги (архаик) давр ва илк зардуштийлик босқичи.
2. Исломгача бўлган диний-мафкуравий плюрализм босқичи.
3. Ислом тамаддунининг гуллаб-яшнаши ва темурийлар даврида қайта уйғониш босқичи.
4. Анъанавийликнинг қарор топиши ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий таназзул босқичи.
5. Мустамлакачилик даври маънавияти.
6. Истиқлол даври маънавияти.

Муаллифнинг ютуғи шунда кўринадики, у мазкур олти босқичнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий маънавият такомилидаги ўрнини тўғри белгилаган. Ўз қарашларига изчил мантиқий далиллар келтирган.

Учинчидан, олим маънавиятининг кенг қамровли тушунча эканлиги хусусида теран мулоҳазаларни баён этган. Маънавият ва демократик ҳуқуқий давлат, маънавият ва иқтисодиёт, маънавият ва мустақиллик тўғрисидаги муаллиф фикрлари буни тасдиқлайди. Олим бу хусусдаги қарашларини далиллашда ҳақли равишда Президент Ислом Каримов асарларидаги назарий умумлашмаларга таянади.

Табиийки, китобни мутолаа қилиш жараёнида каминада тадқиқотни янада мукаммал кўриш истаги билан боғлиқ айрим мулоҳазалар ҳам туғилди. Бу мулоҳазаларнинг дастлабкиси Ғарб фалсафасига муносабат билан боғлиқ. Шубҳасиз, биз Ғарб фалсафий тафаккуридаги ютуқларни ўзлаштиришимиз, керак бўлса, ҳаётимизга татбиқ этишимиз зарур. Лекин бу дегани ҳар қандай қарашни қабул қилаверишимиз керак дегани эмас, албатта. Унда миллий ғоянинг мафкуравий иммунитет деган муҳим қоидасини фаромуш қилган бўламиз. Биз Ғарбдан нимани оламизу нимани қабул қилмаймиз — буни ҳал қилиб олишимиз керак.

Шу ўринда шоир Чўлпоннинг худди шу масалага оид муҳим фикрларини эслаб ўтиш зарурати сезилади. "Эй, қариндошлар, — деб ёзган эди Чўлпон, — катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпонинг мўдосидан, шишасидан, бузуқ ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларга бул жиҳатдан тақлид қилмасдан, балки илм, фан, ҳунар, саноатга ўхшашлик маданиятларидан намуна олуб, бул жиҳатдан тақлид қилмоғимиз лозимдир. Оврўпонинг мўдоси, шишаси ва бузуқ ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир, қул қиладур. Бундан сақланингиз!

Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм-фан, саноат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан, асорат қуллигидан қутултиродур. Биродарлар, кўзларингизни очуб, яхши ўйланглар!"

Чўлпоннинг "Садои Фарғона" газетаси 1914 йил 6 июн, 26-сонида босилган "Ватанимиз Туркистонда темир йўллар" мақоласидан олинган ушбу иқтибос айнан мафкуравий, маънавий иммунитет ҳақида.

Буни бежиз эсламадик. А.Эркаев китобида ҳам хорижлик олимларнинг қарашлари билан мунозарага, баҳсга киришиш имонияти мавжуд эди. Масалан, китобда ёзилишича, америкалик олим Л.Морган инсоният тарихини уч даврга бўлган: ёввойилик, варварлик ва цивилизация. Табиийки, бу Шарқ фалсафасидаги қарашларга мутлақо тўғри келмайди. Бинобарин, Л.Морган билан яхшигина баҳслашиш мумкин эди.

Лекин бу фикрлар А.Эркаев китобининг илмий қимматини, амалий аҳамиятини заррача камайтирмайди. Аксинча, "Миллий ғоя ва маънавият" китоби мустақилликка эришганимиздан буён бу соҳада амалга оширилган сара тадқиқотлар сафидан ўрин олишга тўла муносиб. Муаллифни бу илмий-ижодий ютуғи билан самимий қутлаймиз ва ушбу йўналишдаги изланишлари яна янги китоблар шаклида ўқувчилар қўлига етиб боришини тилаймиз. Бинобарин, миллат ёшларининг маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишларида, биринчи навбатда, олимлар, ижодкорлар масъулдирлар.

Нурбой ЖАББОРОВ

УЧРАШУВ

Эркин КОМИЛОВ

БОЛАЛИККА ҚАЙТТИМ КЕЛАДИ

...Саҳнада "Ўтган замон ҳангомалари" спектакли намойиш этилмоқда. Подшоҳ (Эркин Комилов) ялангоёқ бўлиб олиб у ёқдан-бу ёққа ёш боладек югуради, роҳатланади. Оддийгина ранг ва тупроқли кўчани, болалигини қўмсайди. Вазирига "Подшоҳлик ҳам жонимга тегди..." деб зорланади...

Икки соат давом этган томоша вақтида Эркин Комиловнинг маҳоратига яна бир бор тан бердим. Спектакл тугади ва ниҳоят суҳбатимизни бошладик.

— Эркин ака, мана спектакл ҳам тугади, кайфиятингиз қандай?

— Кайфиятим ёмон эмас. Бугунги спектаклни Москвадан келган меҳмонлар учун кўрсатдик. Лекин, шуни айтиш керакки, "Ўтган замон ҳангомалари" каби комедия жанридаги спектаклларни томошабин тўла залда намойиш этишга ҳеч нима етмас экан. Сабаби, юморга, сатирага тўлиқ гаплар айтилганда томошабиннинг қаҳқаҳаси актёр учун илҳом беради, уни қўллаб-қувватлайди; янги саҳнавий топилмаларга, импровизацияларга ундайди. Ҳозир шунга яна бир бор амин бўлдим.

— Сиз талқин этган подшоҳ образи болалигини қўмсаб, ялангоёқ юришни истайди. Сиз ҳам болалигингизни соғинасизми?

— Нимасини айтасиз, болаликка жуда-жуда қайтгим келади. Чунки болалик, ёшлик инсоннинг шижоатга, самимиятга тўлиқ даври. Бу даврда одам югуриб, меҳнат қилиб чарчамайди. Ёшликда меҳнатингни эъзозлашса, руҳингга руҳ қўшилади-ю, яна ҳам кўпроқ ҳаракат қилаверасан. Йиллар ошиб, қартайгандан сўнг, инсон ўзи истаса ҳам кўп нарсаларга кучи етмай қолади. Мен, айниқса, мактабдаги ўқувчилик даврими кечагидек эслайман.

— Эркин Комилов мактабда қандай ўқувчи бўлган?

— Жуда ибратли, намунали ўқувчи бўлганман. Фанларнинг барчасини баравар ўзлаштирганман, десам тўғри бўлмас-ку, лекин адабиёт, тил, тарих, география, чизмачилик фанларидан ҳеч қачон паст баҳо олмаганман. Болалигим, ўқувчилик йилларим ҳақида гап кетар экан, аввало ота-онам кўз олдимга келади. Дунёдан ўтиб кетган бўлишсада, улар мен учун худди тирикдек. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки инсон фарзандлари қалбида, хотирасида иккинчи умрини яшайди. Онам — Хайринисо ая ҳадис илмини анча пухта эгаллаган эдилар. Отам Комил қори ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни бирдек ўзлаштирган инсон эдилар. Оллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин.

Мен сизга биргина воқеани айтиб берай. Институтда таҳсил олаётган пайтларим эди. Ёзги таътилда уйга бордим. Гаплашиб ўтирганимизда дадам менга: "Ўғлим, бир йил институтда юрдинг. Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо" асарини ўқидингми? Бу жуда кучли асар, уни бир марта ўқиш кифоя эмас. Вақт топиб, камида икки бор ўқиб чиққин", дедилар. Мана шунинг ўзиёқ отамнинг қанчалар билимли инсон бўлганлигидан далолат беради. Дадам доимо имон-эътиқодли бўлишни уқтирардилар.

— Сиз инсон ва актёр сифатида қандай ақидаларга амал қилиб яшаяпсиз?

— Актёр театр деб аталмиш даргоҳга мухлислар дилидан жой олгани, меҳрини қозонгани келади. Агар у саҳнани саждагоҳ деб билмас экан, қилаётган иши, ўйнаётган роллари бекор. Ҳар бир яхши актёрнинг ўз мухлислари, ўз томошабини бўлиши керак. Актёр эътиборга, олқишга чанқоқ. Қилаётган ишидан аввало ўзи, қолаверса, мухлисларининг кўнгли тўлиши лозим. Генералликни орзу қилмаган солдат солдат эмас, деганларидек, ижодкор ҳам ўзи шуғулланаётган санъат турининг ҳақиқий билимдонига айлансагина, мухлислари ҳамда ҳамкасблари унинг меҳнатини эъзозлайдилар. Ҳаётда бир бор яшаш ҳуқуқи берилган экан, шу имкониятдан иложи борича унумли фойдаланишга ҳаракат қилиш ҳамда ўз касбимга садоқатли бўлиш — менинг ҳаётий ақидам. Яна театримиз том маънода Миллий театр бўлишига интилишимиз ҳам керак.

— Миллий театр республикамиз театрлари ичида етакчилик байроғини ҳамон қўлда сақлаб келяпти, деб ишонч билан айта оласизми?

— Агар иқтисодий томонларига назар ташласак, ҳаммаси кўнгилдагидек. Чунки, бу ердаги шарт-шароит, қулайликлар бошқа театрларда йўқ. Йиллик режалар вақтида бажарилаяпти.

Энди, ижодий томондан қарасак, барча спектакллардан ҳам кўнгил тўлади, деб айтолмайман. Сабаби, ҳали ҳам репертуарда саёз спектакллар бор. Қувонарлиси шундаки, бир неча йиллар бош режиссёрсиз ишлаган театримизга Валижон Умаров кириб келди. Яхши умидлар қилишга ҳақлимиз.

— Бугун Миллий театрда қандай ўзгаришлар бўлишини истар эдингиз?

— Аввало, театримизда доимо иш қизғин боришини, барча ижод билан машғул бўлишини истардим. Театр ҳеч қачон бир жойда туриб қолмаслиги керак. Агар у ҳаракатдан тўхтаса, барча тирик мавжудотлар каби ҳалок бўлади. Ҳар қандай созанда ёки балет артисти каби драма актёрлари ҳам ҳамиша амалиётда — ҳаракатда бўлишлари керак. Акс ҳолда, уларнинг қобилияти сўниб бориши мумкин. Актёрнинг ўрни имкон қадар саҳнада бўлиши керак. Бунинг учун эса яхши асарлар кўп бўлиши лозим.

Усмон Азим адабий бўлимда ишлаш жараёнида Миллий театр учун пиеса топиш осон иш эмаслигига амин бўлди. Томошабинлар қайта-қайта қўйилаётган, мазмуни ёд бўлиб кетган асарлардан чарчашди. Шу сабабли театрнинг йўналишини белгилаб берувчи репертуар бўлими мураккаб аҳволни бошидан кечирмоқда. Классик асарлар Миллий театр саҳнасида қанча кўп бўлса, шунча яхши. Лекин, замонавий асарлар ҳамон муаммолигича қолмоқда. Борларининг ҳам аксарияти комедия жанрида.

— Комедия жанрида ижод қилиш осонми?

— Саҳнадаги кўп йиллик иш фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам юракдан кулишни истайди. Кулги орқали кўп гапларни айтиш мумкин. Ҳатто кулги орқали ижтимоий муаммоларни хал қилса бўлади. Аслида, кўпчилик ўйлаганидек, комедия енгил жанр эмас. Комедия спектакллари яратиш оғир, лекин томошабин уни севади. Ҳозирги шароитда, айниқса, сатирик комедиялар зарур. Лекин, меъёрида бўлиши керак.

— Театрингизнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида нима дея оласиз? Ёш актёрлар ҳақида-чи? Уларнинг ўз касбларига муносабатларидан кўнглингиз тўладими?

— Залимиз деярли ҳамма вақт тўла. Тўғри, гоҳида ташкил этилган томошабин ҳисобига ҳам тўлиқ бўлади. Ўзингиз биласиз, театримизда яхши актёрлар кўп. Лекин айни вақтда уларнинг барчаси ҳам иш билан банд эмас. Актёрлар ичида бир-бирига ўхшаш ролларни ижро этавериб, бир қолипга тушиб қолаётганлари ҳам бор. Бироқ бу актёрнинг айби эмас, деб ўйлайман. Чунки унда танлаш ҳуқуқи кам. Бу каби ҳолатлар устида режиссёримиз, бадиий кенгаш кўпроқ ўйлаши керак, назаримда. Ёшларга келсак, уларни яхши кўраман. Биз саҳнада ёнма-ён ишлаймиз. Ёшларнинг шижоати, интилишларига, уларга берилаётган имкониятларга ҳавасим келади. Улар орасида ўз касбини чин дилдан севувчи, касбга садоқатлилари талайгина. Лекин, гуруч қурмаксиз бўлмайди, деганнақл бежиз эмас-да, ёшларимиз ичида ўткинчи шуҳрат, вақтинчалик шов-шувларга учадиганлари ҳам бор. Актёрларимиз ичида ўз устида ишлайдиганлари, бир-иккита рол ўйнаб, ҳеч кимни менсимай қўядиганлари ҳам топилади. Лекин, айтиб ўтганимиздек, касбини севувчи, устозлар ўгитларига амал қилувчи ёшларимиз борки, театримиз келажаги шулар қўлида, деб биламан.

— Сизнингча, актёр ким?

— Актёр — инсон руҳининг инженери, баъзида сеҳргар. Агар актёр ҳақиқий ижодкор, санъаткор бўлса, у инсонни улуғлайди, сеҳрлайди, қалбини даволайди. У саҳнадаги воқеаларга томошабинни топширади, уни кулдиради, йиғлатади, ўйлатади.

Агар касб нуқтаи назаридан қарасак, актёрлик, балки чет элларда хоббидир, лекин мен учун касб, ҳаттоки ҳунар. Чунки биз шу касбимиз билан оиламизни тебратамиз. Ҳунар деганимнинг сабаби, биз саҳнада нафақат ички кечинмалар билан яшаймиз, балки касбимизнинг техникасини ҳам мукаммал ўзлаштиришимиз керак.

— Ўз касбини мукаммал ўзлаштирган инсонларга тан бериш керак, шундай эмасми?

— Мен тан бера олиш қобилиятига эга инсонларни жуда ҳурмат қиламан. Ўзимнинг қўлимдан келмайдиган нарсаларни қила оладиганларга ҳавас билан қарайман. Мен инсонни ўлим ёқасидан олиб қайтувчи врачга, най аталмиш оддийгина создан 1001 куйни таратувчи найчига, муаззиннинг овозию қироатига тан бераман. Инсон инсонга қойил қолсагина меҳр пайдо бўлади.

Йилимизнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Лекин барчага бирдек нисбат бериб бўлмайди. Меҳр-оқибатли инсонларимиз кўп.

— Ҳозирги кунда фарзандлар тарбиясида кўпроқ нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз? Йил сайин ёшларимиз мустақил ҳаётга, эркинликка ҳаддан зиёд интилмаяптиларми?

— Давлатимиз ривожлангани, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликларнинг кўпайгани, ёшларнинг чет элларга бориб ўқиб келаётгани — буларнинг барчаси ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатиши, дунёқарашларининг ривожланишига туртки бўлаётгани ижобий ҳол. Бундан тўғри хулоса чиқарган бошқа миллатларнинг ижобий томонларини ўзлаштираётган ёшларимиз билан бирга, шарқ менталитетига зид маданиятларга муккасидан кетаётган ёшлар ҳам бор. Бундан ташқари, гиёҳвандлик, диний экстремизм деган иллатлар келиб чиқдики, баъзи ёшларимиз шу нарсаларга билиб-билмай ўралашиб қолаяптилар. Биз, яъни санъат аҳли ҳам ёшларнинг келажаги, уларнинг тарбияси учун масъулмиз. Ота-оналардан эса болаларини санъатни севишга ўргатишларини, тушуна олишга қодир томошабин қилиб тарбиялашларини сўраган бўлардим.

— Айни кунларда нималар билан машғулсиз?

— Шекспирнинг "Ёз туни ғаройиботлари" асаридаги Оберон роли устида ишлаяпман. Каҳрамоним — найрангбоз бир шоҳ. Нимагадир шу ишимдан кўнглим тўлмаяпти. Балки иш жараёнида образнинг кўнглимга яқин қиррасини топарман. Ана ўшандагина кўнглимда қониқиш пайдо бўлар. Шундай бўлишига умид қиламан.

Бундан ташқари, бир бадиий филмга синовдан ўтиш учун қатнашдим.

— Гап шунга келиб тақалган экан, бир савол туғилди. Айтинг-чи, тажрибали актёрларни кинода синов қилишларига қандай қарайсиз?

— Кино синови керак, лекин тажрибали актёрлар учун бу ортиқча бўлса керак, деб ўйлайман. Гоҳида синовлар шунчаки кўзбўямачилик учун бўлганини тушуниб қоламан. Бунинг устига неча йиллаб шу касбнинг оғир-енгилига чидаб юрган санъаткорлар қолиб, санъатга умуман алоқаси йўқ одамлар филмларга суратга тушадилар. Ана шундай воқеалар ижодкорга оғир ботиши табиий ҳол.

— Шундай воқеалар сабаб касбингиздан воз кечгингиз келган пайтлар ҳам бўлганми?

— Инсоннинг, айниқса, ижодкорнинг ҳаётида ҳар хил ҳолатлар бўлади. Албатта, баъзи нарсалар руҳиятга таъсир этади. Ижодкорнинг кўнгли жуда нозик. Гоҳида ҳамма нарсаларга қўл силтагинг келади. Лекин бундай ҳолатлар тез ўтиб кетади.

Баъзида вақтим арзимас, ғоявий бўш ролларга кетганидан афсусланаман. Эсда қоларлик, фақатгина иқтидорим маҳсули бўладиган образ яратишни орзу қиламан. Эрта-индин иштиёқ, саҳнавий тажрибанинг ўзи камлик қилиб, жисмоний куч етмай қолиши мумкин. Ахир, актёр ҳам ўзига хос хислат ва камчиликларга эга оддий инсон.

— Эркин ака, агар сир бўлмаса, ўзингиздан кўнглингиз тўлмаган пайтлар ҳам бўладими?

— Одам ўзининг ҳамма камчилигини ҳам билмаслиги мумкин. Ўзим билганим — ноҳақликка чидай олмаслигим. Шунинг натижасида гоҳо ўта жизғаки бўлиб кетишим. Тезлигим туфайли гоҳида одамларни ҳафа қилиб қўйишим мумкин. Лекин, сал ўтмай бундан афсусланаман. Ваъдасининг устидан чиқмаган одамларни ҳам ёқтирмайман.

— Ҳаётингиздан мамнунмисиз?

— Кўпчилик ўз ҳаётини олдиндан режалаштиради. Лекин, барча режалар ҳам амалга ошавермайди. Мен барча зарбалар, йўқотишларга қарамай, ҳаётимдан мамнунман. Фарзандларимнинг камолини кўриш орзусидаман.

Муқаддас АҲМАДЖОНОВА
суҳбатлашди

БОТУ ВА МУНАВВАР ҚОРИ

ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон халқи орасида "Гулёр" қўшиғи жуда оммалашиб кетганди. Бу қўшиқнинг муаллифи эндигина 16 ёшга тўлган шоир Боту Мақсудий (Ҳодиев) эди.

Боту (1904—1937) ўз даврининг икки буюк намояндаси — Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Абдурауф Фитратдан таълим олди. Илми зарурия ва илми кифояни, адабиётни Мунаввар қоридан ўрганди. Фитрат эса уни ижод сирлари билан таништириб, "Боту" тахаллусини беради.

Ёш шоир Маҳмуд Ҳодиев икки устоздан катта билим олгани учун ижодкор сифатида тез бўй кўрсатди. Орада рус-тузем мактабини, 8 ойлик ўқитувчилар курсини, сўнг Москвада давлат университетининг иқтисод бўлимини битириб келади, "Аланга" журналида бош муҳаррир бўлиб ишлайди, халқ маорифи комиссари ўринбосари лавозимига тайинланади. Ана шу мансабда ишлаб турган пайтда "Наркўмпрос иши" деган сохта жиноят билан айбланиб, Маннон Рамз, Олтой, Саидаҳмад Назиров ва бошқалар билан бирга қамоққа олинади. Шўролар ҳукумати шоирни аввал Соловка туткунгоҳига, кейин бошқа лагерларга жўнатиб, ёшгина йигитни жувонмарг қилади.

Энди қўшиққа қайтсак...

Ёш шоир "Чиғатой гурунги"га қатнашиб юрган чоғлари ўлкамизда ватанпарварлар олиб бораётган курашлардан қисман хабардор эди. Икки буюк устознинг таъсирида миллий руҳи ҳам кучайган эди. Шу боис шўролар ҳукуматининг ўзбек халқини ўзига тўлиқ тобеъ қилиш учун олиб бораётган маккорона сиёсатига нафрат ва норозилик билан қарарди. Маҳаллий ватанпарварларнинг қаршилик кўрсатиш ҳаракати унинг қалбида эрк ва истиқлол туйғусини алангалатарди. (Шоирнинг "Осийманми, кўкрагимда қайнаган куч амрига бўйсунуб, ёв бахтини чўлларда сарсон айласам" каби қалбидан отилиб чиққан мисралар ва "Гулёр" қўшиғи эл оғзидан тушмасди.)

1920 йил кеч куз ва қиш ойларида Бухоро шаҳрида тўпланган миллатпарварлар собиқ хонликлар ўрнида барпо этилган жумҳуриятлар тобора қизил мустамлакага айланиб қолаётганлигидан ташвишланиб, қаршилик кўрсатиш ҳаракатини кучайтириш мақсадида хорижий мамлакатлардан, хусусан, Англия ва Японияндан ёрдам сўраш, уларнинг ваколатхоналарига вакил юбориш масаласини ишлаб чиқадилар.

Масаланинг тартиботини ишлашда Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Заки Валидий, Файзулла Хўжаев, Мусо Саиджонов, Ато Хўжаев ва бошқалар катта иш олиб бордилар. Ҳар икки мамлакат ваколатхоналарига кимни юбориш мумкин, деган савол қўйилади. Шунда Ориф Каримий ва Валидий тавсия этган икки киши танланади. Улардан олдин хат "Миллий иттиҳод" ташкилотининг Тошкент бўлими раиси Садриддин Шарифхўжаевга етказилади.

Садриддинхон муфти хатни тайёрлаб, вакилларни кутади. О.Каримий икки шериги билан етиб келади. Бироқ унинг шериклари муфтига маъқул тушмагани сабабли орқага қайтариб юборилади. Ниҳоят, барча йўл анжомлари тайёр бўлгач, О.Каримий Рустамбек Ниёзбеков ва Юсуфбек Қурбонбоев ҳамроҳлигида йўлга тушади. Алоқачилар Авлиёотага етганларида ЧК ходими Расулқориев томонидан тасодифан қўлга туширилади ва Тошкентга ЧК идорасига жўнатилади. Садриддинхон ҳам ҳибсга олинади. Иш очиқ судда кўрилади...

Бу орада Мунаввар қори Абдурашидхонов Туркистон ҳукумати томонидан Бухородан чақириб олиниб, маориф комиссарлиги турк шўъбасига ишга тайинланади. Мунаввар қори эса суд бошлангач, Садриддинхоннинг умр йўлдоши билан махфий учрашиб, ҳар қандай оғир шароитда ҳам муҳрни топширмаслик, сирни очмаслик ҳақида қасамёд қилдиради.

ЧК ходимлари Садриддинхон уйини тинтиб, ҳеч нарса топа олишмагач, Шокирахон онани сўроқ қиладилар. Бироқ ундан "Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, ҳеч нарсани билмайман", деган жавобдан бошқа гапни эшитмайдилар. Орадан кўп ўтмай, 1921 йил 30 март куни Мунаввар қори каримийлар иши бўйича гумондор сифатида қамоққа олинади. Деярли тўққиз ой мобайнида сўроқ олиб борилади, аммо Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг бу ишда қўли ёки айби борлиги исботини топмайди. Жамоатчилик норозилигидан чўчиган ЧК ходимлари М.Абдурашидхоновни озод қилишга мажбур бўладилар. Садриддинхон ва Каримий суд жараёнида қамоқдан қочиб кетадилар.

Умарали НОРМАТОВ

ҚОДИРИЙ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

ЭССЕ

«ЎТКАН КУНЛАР» ВА ҚЎРҚУВ САЛТАНАТИ

XX аср ўзбек насрининг шоҳ асари «Ўткан кунлар» романи илк бор 1922 йили «Инқилоб» журнали саҳифалари орқали дунё юзини кўра бошлаган эди. Ўша дақиқалардан эътиборан бу асар миллатнинг ҳар бир зиёлиси, китобхони руҳиятига, маънавиятига, қоларверса, шахсий ҳаёти ва тақдирига қайсидир даражада дахлдор.

1952 йилнинг кеч кузи. Ҳозирги Амир Темур хиёбони ёнгинасида жойлашган САГУ (бугунги Миллий университет) биносининг иккинчи қаватидаги катта ўқув залида «Адабиётшуносликка кириш» фанидан маъруза ўқилмоқда. Икки ярим ойлик пахта терими ҳашаридан қайтган, маърузаларни соғиниб қолган биз — филология факултетининг биринчи курс талабалари — 64 та жон бир тан бўлиб бутун вужудимиз қулоққа айланиб доцент Зикриё Мирҳожиев сўзларини тинглаб ўтирибмиз. Шу пайт бирдан бино қасир-қусур, деразалар шақир-шуқур бўлиб, залда қий-чув кўтарилди. Мирҳожиевнинг қизиқ одати бўларди. Маруза ўқиётганида доимо юриб, аудиториянинг у бошидан бу бошига бетиним бориб келарди. Ана шу тўс-тўполон онларида ҳам домла одатини тарк этмай, шитоб билан юришда давом этди. Шунда қизлар: «Домла, ер қимирляпти, зилзила бўляпти!» деб уввос солдилар. Домла эса парво қилмай юриб туриб: «Оқўси, нима қилибди, ер бўлгандан кейин қимирлайди-да!» дедилар. Аудиторияда бирдан гуррос кулги кўтарилди ва шу орада ер силкиниши ҳам тинди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, яна «Адабиётшуносликка кириш» дарси, домланинг ўша-ўша шитоб билан юриб туриб маъруза ўқишлари... Бу галги дарс ўзгача тарзда тугади. Орамизда Самарқанднинг қайсидир туманидан келган Саримсоқов деган ниҳоятда кўп ўқиган, китоб жинниси бўларди. Исми хотирамдан кўтарилибди. Яқинда курсдошим Шерали Турдиевдан суриштирсам, у ҳам исмини эслолмади. Ҳар бир дарсда у албатта домлаларга қандайдир савол берар, кўпинча қалтис саволи билан манаман деган профессорларни ҳам довдиратиб қўярди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Дарс охирида: «Жулқунбой деган ёзувчининг «Ўткан кунлар» номли романи бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз», деб қолса бўладими! Шунда нима бўлди денг? Ҳамиша, ҳатто таҳликали зилзила пайтида ҳам бетиним юриб турадиган Мирҳожиев домламиз таққа тўхтаб, савол берган талабага анграйиб-бўзариб қарадилар. Бир неча дақиқалик сукутдан сўнг домла: «Оқўси, комсомолмисан?» деб сўрадилар. Тасдиқ жавобини олгач: «Комсомол совет студенти давлат университети аудиториясида бунақа саволни бермайди, коммунист совет доценти бунақа провакацион саволга жавоб қайтармайди», деди қатъий қилиб. Ўқув залида ўтирган талабаларнинг дами ичига тушиб кетди.

Эртаси куни қалтис савол берган курсдошимиз дарсда кўринмади. Тўрт йил даракси кетди. 1956 йил баҳор кунларидан бирида у Чорсудаги ётоқхонамизга эгнида фуфайка, оёғида кирза этик афтодаҳол ҳолда кириб келди. Нима кор-ҳол бўлганини биз ҳам сўрамадик, у ҳам айтмади. Орада қандайдир ҳадик, қўрқув ҳукм сурарди, гап гапга қовушмади. Буни сезди шекилли, хушламаган меҳмонимиз: «Сафардан қишлоққа қайтишда сизларни бир кўриб ўтай дедим», дея тезгина хайрлашиб йўлга отланди. Ўтган тўрт йил давомида «Ўткан кунлар», «Жулқунбой» сўзларини тилга олиш тугул, ҳатто бу номларни эслашга ҳам қўрқардик. Гарчи тасодифий учрашувда бу номлар тилга олинмаган бўлса-да, бирданига улар хаёлимизни чулғаб олди. Бу пайтга келиб «халқ душманлари» саналмиш адиблар, жумладан, Қодирийга муносабат қисман ўзгара бошлаган, лекин барибир юртда қўрқув салтанати кезиб юрарди.

«ҚАЛЛИҚ ЎЙИН» СУРУРИ

«Дилхирож» филми, «Қаллиқ ўйин» спектакли томошаси пайти бирдан ўзимнинг никоҳ тўйим билан боғлиқ воқеалар ёдимга тушди. Тўрт йиллик Конибодом педбилим юрти, беш йиллик САГУ таълимидан сўнг Фарғона вилоятидаги шоир Муқимий «Ким кўрса ҳангу манг экан» деб таърифлаган она қишлоғим Рапқонга, ота-оналарим бағрига бориб мактабда ўқитувчилик қила бошладим. Ота-она орзуси, қоларверса, ўз майлим оқибати ўлароқ Бешарикдаги машҳур зиёлилардан Исоқов домланинг тўнғич қизига уйланадиган бўлдим. Ўзимиз «янгича» бўлсак-да, никоҳ тўйимиз «эскича», қишлоқ удумлари бўйича ўтди. Ўша кезлари бизда ҳам «қаллиқ ўйин» бўларди, бироқ «Дилхирож» ва «Қаллиқ ўйин» асарларидагидан бироз ўзгачароқ ўтарди. Куёвникидаги базмдан сўнг жўралари ҳамроҳлигида куёв келинникига йўл олар, у ерда ҳам қисқа, лекин жўшқин базм-зиёфат бўлар, ёр-ёрлар, ўланлар айтилар, сўнг куёв-жўралар келин-куёв учун палаклар билан безатилган хос хонада куёвни ёлғиз қолдириб жўнаб қолишарди. Никоҳ, сўнг энг ҳаяжонли, «Ўткан кунлар»да тасвирланганидек келин билан куёвнинг илк висол дамлари бошланар, куёв уч кунгача келин хонадонида қолиб кетар, ундан кейин ҳафтасига икки бор то «келин туширар» маросимига қадар ойлаб келинникига қатнар, бу «қаллиқ ўйин» деб аталар, бу кунлар йигит билан қизнинг энг тотли дамлари саналарди. Шахсан мен ўша кунларни умримнинг энг файзли онлари, деб биламан.

Қарангки, турмуш ўртоғим ҳам ўзимга ўхшаш китоб шайдоси экан, илк суҳбатимиз китобдан бошланиб, нуқул китоб устида давом этди. Билдимки, яқингинада ўрта мактабни битирган 17 ёшли бу қизнинг ўқимаган китоби қолмаган. Фақат русчага, араб ёзувидаги китобларга тиши ўтмас экан. Менинг арабча ёзувдан хабардорлигимни билгач, хона тўридаги тахмонга жойлашган сандиқни очиб, шоҳи рўмолга ўроғлиқ бир китобни олиб, менга тутқазди. Очиб, не кўз билан кўрайки, илк муқовасида Кумушбиби сурати солинган «Ўткан кунлар» — учта алоҳида китобдан иборат ўша ноёб хазина! Венерахон буни ўқиб берасиз, деб ёпишиб олди, мен жон деб унинг амрига бўйсундим. Бошда бир дақиқа қўрқув салтанати кўнгилга ғулғула солди, бироқ роман қаърига кириб борган сари қўрқувдан асар ҳам қолмади. Уч кеча-кундузлик «қаллиқ ўйин»имиз шу тариқа асосан «Ўткан кунлар» мутолааси билан ўтди. Шу кунлардан бошлаб ҳар иккимиз ҳам бир умрга «Ўткан кунлар» шайдоси ва тарғиботчисига айландик. Мен танқидчи-адабиётшунос сифатида «Ўткан кунлар», умуман Қодирий ижоди бўйича иккита китоб, кўплаб мақолалар эълон этдим. Венерахон Миллий университет филология факултетини тугатиб, 30 йил мактабда дарс берган бўлса, асосий дарси «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» теварагида борган. Дастур ва дарсликдаги «Она» романи, «В.И.Ленин» поэмаси, «Йўлчи юлдуз» сингари мавзуларни апил-тапил номигагина ўтиб, уларга ажратилган соатларни ҳам Қодирий романларига бағишлагани учун неча бор дакки ҳам эшитган. Энг севимли набираларига Қодирий қаҳрамонларига эҳтиром юзасидан шахсан ўзи Отабек, Раъно исмларини қўйган.

ҲАҚИҚАТ НАФСОНИЯТДАН УЛУҒ

«Қодирий боғи» китобининг бир неча ўринларида устоз Иззат Султонов фикрлари билан кескин мунозаралар бор. Менга кўп яхшиликлар қилган, ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияларимга расмий оппонент бўлиб, мени қўллаб-қувватлаган устоз олдида хижолат тортиб, бу китобни домлага туҳфа этишдан ийманиб юрардим. Шу орада устоз уйимизга телефон қилиб, бирдан: «Қодирий боғи»ни ўқидим. Табриклайман!» дедилар. Довдираб қолганимни сездилар шекилли, домла айтдилар: «Бир «дўстимиз» Қодирий ҳақидаги китобида Умарали Сизни роса дўппослабди, деб ваҳима қилди. Ҳеч ваҳима қиладиган жойи йўқ. Сиз билдирган эътирозли ўринларни ўзим тузатишим керак эди. Аслида менинг мақолам Қодирийдан замонага мос жиҳатларни қидириш ўша кезларда улуғ адибни ҳимоя қилишнинг бир йўли — усули бўлган. У даврлар ўтди, энди Қодирий ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш, ёзиш имкони келди. Шу ишни Сиз қилибсиз, муборак бўлсин. Қодирий ҳақидаги ҳақиқат Сизу бизнинг нафсониятимиздан юқори туриши лозим. Қодирий ва ҳақиқат ҳимояси йўлида мени ҳар қанча танқид қилсалар, бундан заррача хафа бўлмайман...»

Бу сўзларни эшитиб лол бўлиб қолдим. Чинакам устозлар қалби нақадар кенг, адолат, ҳақиқат туйғуси улар учун ҳар нарсадан муқаддас! Афсус, биз ҳали улар даражасига етишимизга бир неча қовун пишиғи бор.

АДИБНИНГ ТУҒИЛГАН ОЙ-КУНИ

Абдулла Қодирий таржимаи ҳолида: «яқинларимнинг сўзларига қараганда, мустабид Николайнинг тахтга ўтирган йилида туғилғонман», деб ёзади. Тарихдан маълумки, Николай II — Россиянинг охирги императори 1894 йили тахтга ўтирган; демак, Қодирий айни ўша йили дунёга келган. Адиб туғилган йилнинг ой-куни хусусида ёзувчининг катта ўғли Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» китобида «Қайбир вақт дадамдан: «Қайси ой-кунда туғилгансиз?» деб сўраганимда, у киши кулиб, «Ўрик гулида туғилганман. Тахминан ўнинчи апрелда бўлса керак», деганлари ёдимда...» Ҳабибулла акага шу хусусда эътироз билдириб, ўттиз йилдан бери Тошкентда яшаб, бирор марта апрел бошларида ўрик гуллаганини билмайман, одатда ўрик март ойида гуллаб 10 апрел атрофида довучча тугиб бўлади. Бу пайтда эса олма, аниқроғи беҳи қийғос гулга киради. Дадангиз «беҳи гулида» деб айтмаганмиканлар, деганимда, у киши: «Дарвоқе, гапингизда жон бор, эҳтимол, дадамнинг сўзларини янглиш эшитгандирман, шу жумлани тузатиб қўйиш керак экан», дея жавоб қайтарган эдилар.

«ЎТКАН КУНЛАР» ҚАЧОН ЁЗИБ ТУГАЛЛАНГАН?

«Ўткан кунлар» илк бор «Инқилоб» журнали орқали дунё юзини кўра бошлаган бўлса-да, асар олдинроқ — 1920 йили ёзиб тугатилган. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар бор.

Биринчиси: «Инқилоб» журналининг 1922 йил 9-10-қўшма сонида эълон этилган «Ўткан кунлар»дан боблар аввалида «Ёзғувчидан» деб номланган сўз боши — изоҳнома келтирилади. Унда: «Тошканд, декабрь, 1920 нчи йил» деган маълумот бор. Кейинчалик «Ўткан кунлар»нинг китоб ҳолидаги нашрида ҳам ўша сўз боши — изоҳнома бир оз таҳририлар билан берилган. Бироқ охиридаги макон ва санага оид маълумот негадир тушириб қолдирилган.

Адабий тажрибадан биламизки, бу хилдаги сўз боши — изоҳнома одатда асар ёзиб тугатилгандан кейин битилади. «Меҳробдан чаён»да ҳам айни шундай.

Иккинчиси: «Ўткан кунлар»нинг 1925 йилги алоҳида китоб ҳолида чиққан биринчи бўлимига сўнгсўз тариқасида ёзилган «Узр» сарлавҳали изоҳномада «Рўмон деб сизга тақдим қилинган бу нарса дунёга келиши биланоқ бахтсизликка учрай бошлаган эди: беш йиллаб босила олмай ётди» дейилади.

Учинчиси: «Ўткан кунлар» охирида «Ёзғувчидан» деган мухтасаргина сўнгсўз мавжуд. Унда шундай дейилади:

«Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисида суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғул қолибдир. Ўғулларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар».

Бу маълумотлар айни 1920 йил охиридаги вазият, руҳ-кайфиятни ифодалайди, улар айни ўша пайтнинг гаплари.

Демак, адибнинг ўзи айтган иқрорлари, маълумотлари «Ўткан кунлар» романи 1920 йил охирида ёзиб тугалланган, деб узил-кесил ҳукм-хулоса чиқариш учун тўла асос беради. Тўғри, асар матни устидаги ишлар кейин ҳам давом этган. Лекин роман айни ўша санада ниҳоясига етган.

«ЎТКАН КУНЛАР»НИНГ АСЛ МАТНИ МУАММОСИ

Абдулла Қодирий олти жилдлик «Тўла асарлар тўплами»нинг I жилди 1995 йили чоп этилди-ю, афсус, бу хайрли иш молиявий сабабларга кўра тўхтаб қолди. Адибнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ўз ичига олган 1992 йили нашр этилган китоб ҳозирча Қодирий романларининг асл нусхаси сифатида қабул қилинмоқда. Бу хусусда ўйлаб кўрадиган бир қатор жумбоқлар бор. Тўпламда негадир «Ўткан кунлар»нинг ёзувчи ҳаётлик чоғида босилган сўнгги 1933 йилги лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги нашри эмас, 1926 йилги нашри асос қилиб олинган. Ҳолбуки, бу нашрдан муаллифнинг мутлақо кўнгли тўлмаган.

Қодирий юқорида эслатилган, «Узр» сарлавҳали изоҳномасида афсус-надоматлар билан роман «бу кун босилиши муяссар бўлғанида ҳам турлик зарбаларга учради; имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди, мусаҳҳиҳларимизнинг мусоҳалалари (бепарволиги) орқасида техника жиҳати кўз кўриб қулоқ эшитмаган бир йўсунда чиқди», деб ёзади. Ёзувчи асарнинг кейинги нашрида имкон қадар йўл қўйилган хатоларни тузатишга уринажагини айтади ва айни пайтда «бундай хатолардан соф бўла олишиға ваъда бера олмаслиги»ни ҳам писанда қилиб ўтади.

«Ўткан кунлар» нашрларини қиёсий ўрганиш, кузатишларнинг дастлабки натижалари шундан далолат бераётирки, романнинг 1926 йилги нашри матни ёзувчи кўнглидагидек амалга ошмаган. Романнинг тўлиқ ва асл нусхаси деб тақдим қилинган 92-йилги нашрини 33-йилги нашри билан солиштириб кўрганимизда, ҳар бир саҳифада ўнлаб, ҳатто юзлаб ўзгартириш, тузатишлар борлиги аниқланди. Ўзгартириш-тузатишлар фақат матн имлосигагина оид бўлмай, айрим саҳифаларда матн структураси, композицияси ҳам қайта ишланган. 92-йилги китоб охирида берилган «Ўткан кунлар» рўмонининг 1926 ва 1933 йиллар нашрларидаги тафовутлар» деб аталган изоҳда бундай ўзгартириш-тузатишларнинг юздан бири ҳам қайд этилган эмас. Шуниси муҳимки, 1933 йил нашридаги ўзгартириш-тузатишларнинг аксарияти роман матни бадииятини мукаммаллаштиришга қаратилган. Тўғри, 33-йилги нашри ҳам хато-қусурлардан холи эмас. Бир саҳифанинг ўзида бир сўз (масалан, «билан» сўзи гоҳ «билан», гоҳ «блан» тарзида) турли шаклда берилган. Сиёсатга дахлдор айрим кескин ибораларни бироз юмшатиш ҳоллари ҳам учрайди. Чунончи, Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек билан учрашувда айтган ҳаяжонли нутқидаги «тўнғизхона» сўзи «оёқ ости» деб ўзгартирилган...

Бу гаплар «Меҳробдан чаён» романи нашрларига ҳам тегишли. Хуллас, Қодирий романларининг ишончли асл матнини тиклаш борасида адабиётшунос-матншунослар олдида жиддий вазифалар турибди.

Афсуски, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дан бирор саҳифа ҳам қўлёзма — автограф сақланиб қолмаган, агар у топилса, бу борадаги кўп чалкашликларга ўз-ўзидан аниқлик киритилган бўларди. Умидли дунё дейдилар. Изланишда давом этайлик. Зора, мўъжиза юз бериб, асл матн топилиб қолса...

МОСКВА ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИ

Қодирий ўзгаларга ҳам, ўзига ҳам ниҳоятда талабчан, ҳамиша янги замон даражасида фикрлашга мойил зот бўлган. Адиб таржимаи ҳолида янги замон ўзгаришлари «баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсгани»ни айтиб, сўнг бундай ёзади: «Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва маждурияти остидаги чала-чулпи гаплар эди. Кейинги кунларда нодонлиғим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ва 1924 йилда хизматимдан жавоб олиб, Москвага ўқишга кетдим».

Хўш, Қодирий Москвада қайси ўқув даргоҳида ўқиган? Кейинги 30-40 йил давомида чиққан Қодирий таржимаи ҳолига оид кўп ишларда у Валерий Брюсов номидаги журналистлар институтида ўқиганги айтилади. «Ўзбек совет энциклопедияси»даги (1971) «Абдулла Қодирий» мақоласида эса Қодирий «Москвада Валерий Брюсов номли Адабиёт институтида ўқиди» дейилади. Бу маълумот ҳақиқатга яқин, деб ўйлайман. Тарихдан маълумки, В.Брюсов 1921 йили Москвада Олий адабий-бадиий институтни ташкил этган, кейинчалик у Бутуниттифоқ адабий-бадиий институти (ВЛХИ) деб аталган. Ўша йиллари бу институт жаҳон адабий-бадиий тафаккури марказларидан бири, замонавий жаҳон адабиёти, санъати, фалсафасига доир қарашлар, жўшқин баҳс-мунозаралар маскани саналган. В.Брюсовнинг ўзи ҳам бу даргоҳда маърузалар ўқиган. Қодирий уни кўрганми, маърузаларини тинглаганми, бу хусусда бир нарса дейиш қийин, чунки Қодирий институтга кирган ўқув йили бошларида — 1924 йил 9 октябрда бу киши оламдан ўтган. Лекин, аниқки, В.Брюсовга хос тафаккур, баҳс-мунозаралар руҳи бу даргоҳда давом этган. М.Горький уни «Россиядаги энг маданиятли ёзувчи» деб атаган. Ўз даврида у «модернистик адабиётнинг лидери», «рус символизмининг доҳийси» саналган. Янги ўзбек шеърияти намояндалари, жумладан, Ойбек В.Брюсовдан таъсирланиб, 20-йиллари мароқли изланишлар олиб борган.

Бу даргоҳдаги таълим Қодирий қарашларида, ижодий тақдирида чуқур из қолдирган. Ҳ.Қодирий «Отам ҳақида» китобида Қодирийнинг институтда тинглаган лекцияларидан ёзиб олган конспект дафтарларини неча бор қизиқиб ўқиб чиққани ва уларни 1945 йилгача аваллаб сақлагани ҳақида гапириб, сўнг бундай ёзади: «Русча ёзилган конспектда дунё адабиётидаги баъзи оқимлар ҳақида баҳс боради. Масалан, реализм, идеализм, романтизм, футуризм каби оқимлар; уларнинг қузатган ғоялари, қонуниятлари ва бу оқимларга мансуб кўзга кўринган ёзувчилар қисқа-қисқа баён қилиб ўтилади...»

Бундай ўқиш-ўрганиш самараси адиб фаолиятида яққол кўринади. Қодирийнинг 1925 йилдан кейин ёзган адабий-танқидий мақолалари, хусусан, унинг реализм, янгича адабий-бадиий оқимлар ҳақидаги қарашлари ўша давр замонавий адабий-танқидий тафаккури даражасида экани тасодифий эмас.

ҚОЗОН САФАРИ ВОҚЕАСИ

Қодирийнинг 1936 йил ёзида Қозон сафари чоғи Амина исмли татар қизига уйланиб қайтгани ҳақида эшитган, бироқ унинг тафсилотларидан бехабар эдим. 1976 йил июнида бод касалига йўлиқиб, Хотинқўприкдаги касалхонада йигирма кунча даволанишимга тўғри келди. Ҳабибулла ака ўша кезлари бу ерда ишлар, ҳафтасига икки кун тунда навбатчи бўлиб қолар, қўли бўшади дегунча хонамга келар, тун бўйи суҳбатлашиб ўтирардик. Кунларнинг бирида Қозон воқеасини сўрадим. У киши хушламайроқ бўлсада, бўлган воқеани батафсил сўзлаб бердилар. Ш.Турдиев «Маърифат» газетасининг 2004 йил 31 март сонидаги «Дўстлар қалбида» сарлавҳали мақоласида Қодирий-Амина воқеасига доир 1936 йилги Қозон сафарида Қодирийга ҳамроҳ бўлган Шокир Сулаймоннинг турмуш ўртоғи — татар аёли Зайнаб опадан ёзиб олган хотираларини келтирган. Ҳабибулла ака сўзлаб берган воқеа моҳиятан Ш.Турдиев келтирган хотирани тасдиқласа-да, бу ҳодисанинг талқини, тафсилотлари ўзгачароқ. Ҳабибулла аканинг айтишича, Аминанинг отаси Қозон яқинидаги Арча районига қарашли Качи овулида яшаган, маърифатли киши бўлган. Бу оила аъзолари Қодирий романларини ўзбек тилида қўлма-қўл ўқишган, айниқса, оиланинг эркатой, романтик табиат қизи Амина «Ўткан кунлар» қаҳрамони Отабекка, роман муаллифига ғойибона ошиқ бўлиб қолган. Ота Қодирийнинг Қозонга келганини эшитиб, уни овулга таклиф этган. Амина «Ўткан кунлар» муаллифини кўриб, ўзини қўярга жой тополмай қолади... Қисқаси, бу иш никоҳ билан якунланади. Қодирий Качида икки ҳафта меҳмон бўлади. Кейинроқ Качи таассуротлари ҳақида ажойиб бир мақола ёзади. Амина Қодирий билан Тошкентга келгач, тез орада Қодирийлар хонадонининг чин аъзосига айланади. Ниҳоятда ширинсўз, чаққон, озода, саранжом-саришталиги, пазандалиги билан обрў-эътибор топади. Афсус, бу тотли дамлар узоққа бормайди. Қодирий хасталикка учрайди, адиб устида ғийбат, ғалвалар, таъқибу таҳдидлар авжига чиқади. Адиб ҳибсга олиниб, бедарак кетгач, Амина Қозондаги қариндош-уруғларини бундан хабардор қилади. Аминанинг акалари Тошкентга келиб, уни юртига олиб кетадилар.

«НАВО КУЙИ» ГУРУНГЛАРИ

Ўтган асрнинг 60-80-йиллари Ғулом Каримов бошчилигида 8-10 кишидан иборат гап-улфатчилигимиз бўларди. С.Долимов, О.Шарафиддинов, Ҳ.Ёқубов, А.Алиев, С.Фузаиловдек устозлардан иборат бу даврага мен ва менга тенгдош икки-уч ёш домлалар ҳам таклиф этилган эдик. Ойда бир бор улфатлардан бирининг хонадонида ўтадиган гурунглар ғоят мароқли кечарди. Даврада албатта санъаткор — созанда ва хонандалар иштирок этарди. Машҳур созанда Турғун Алиматов иштирок этган гурунгларни эсласам, ҳамон кўнглим чароғон бўлиб кетади. Турғун акадек санъаткор Субутой домлани мумтоз куй, мақом бобида ўзига устоз деб атардилар. Субутой ака дуторда, Турғун ака танбур ёки сатода ижро этган куйлардан сел бўлиб тўлғонардик.

Турғун ака ҳар гал «Ўткан кунлар»даги «Наво куйи» боби устида сўз очар, бу бобни ёд айтиб, мумтоз куйнинг сўз орқали бу қадар нафис, тиниқ, жонли ифодасидан ҳайратини тўкиб соларди. Субутой ака «Ўткан кунлар»да тасвир этилган дуторда чалинган куйни ёшлигида тинглаганини сўзлар, Турғун акадан уни тиклашни қайта-қайта илтимос қиларди. Турғун ака устоз илтимосини ерда қолдирмай, бу йўлда узоқ изландилар. Ниҳоят, улуғ созанда бир гал: «Устоз, дутор навосини тогдим, «Ўткан кунлар»нинг ўзидан олиб тикладим», дедилар. Сўнг дуторни қўлга олиб, одатдагидек уни узоқ созлаб, Қодирий ёзганидек, дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшоқ биз кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юбордилар. Куй бошланиши биланоқ даврадагиларнинг вужуди «зирр» этиб кетгандек бўлди. Ниҳоят, эшилиб, тўлғаниб теварак-атрофга илоҳий бир сирли-сеҳрли садолар таратган дутор пардалари тинди. Субутой ака «Айни ўзи, қойил! Балли!» деб юбордилар.

Суҳбат уланиб, замонавий адабиётга келиб тақалди. Турғун ака: «Ҳозирги ёзувчи-шоирлар асарларида мумтоз куйнинг шунақа тасвири борми?» деб сўраб қолдилар. Мен: «Бор! — дедим, китоб жавонидан Абдулла Орипов тўпламини олиб «Муножот»ни тинглаб» шеърини ўқий бошладим:

Эшилиб, тўлғаниб инграналди куй,
Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод!»

Ана шу сўнгги сатрларга келганда улуғ созанда: «Ҳа, бу шеърдаги «Муножот» тасвири «Ўткан кунлар»даги «Наво» куйи тасвиридан қолишмас экан», дедилар ўзларига хос босиқлик билан.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

ЖАНУБ ОҲАНГЛАРИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг жуғрофий ҳудуди анча кенг. Замонавий ўзбек адабиёти деганда эса кўпроқ Ўзбекистонда яратилаётган бадиий асарларни тушунамиз. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасидан ташқари ҳам миллионлаб ўзбеклар яшайди ва табиийки, улар орасида ҳам ўз она тилида бадиий ва илмий асарлар ёзадиган кўплаб ижодкор ва олимлар етишиб чиққан. Ўзбеклар кўп яшайдиган мамлакатлардан бири жанубий қўшнимиз Афғонистондир. Шу пайтгача афғонистонлик ўзбекларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва нашр этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Жумладан, афғонистонлик ўзбек олими Файзулла Аймоқ маҳаллий ўзбеклар халқ қўшиқлари ва топишмоқларини йиғиб, «Халқ дурдоналари» тўпламини Кобулда ва Тошкентда чоп этирди. Профессор Ориф Усмон Афғонистонда илмий сафарда бўлганида, бу диёр ўзбекларининг мақол ва маталларини йиғиб, уларнинг пашту ва дарий тилларига таржималарини амалга оширди. Ўша таржима 1982 йили Кобулда «Халқ тафаккури» номи билан уч тилда нашр этилди.

Таъкидлаш жоизки, рус афғоншуносларидан тадқиқотларида, асосан, пашту ва дарий тилларида ёзилган асарлар ҳақида сўз юритилиб, ўзбек тилидаги бадиий асарлар эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, қўшни давлатдаги ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш зарурати мавжуд. Шу жиҳатдан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Абусаид Абдуллаевнинг олиб бораётган изланишлари диққатга сазовор. Тадқиқотчи даставвал «Жаҳон адабиёти» журналининг 2002 йил сентябр сонида «Шеърият минтақалари» рукнида бу хусусда мақола ва айрим шоирлар ижодидан намуналар эълон қилди. Унинг 2003 йили «Университет» нашриётида 300 нусхада чоп этилган «XX аср Афғонистон ўзбек адабиёти» ўқув қўлланмаси эса афғон диёридаги замонавий ўзбек шеърияти, уни яратаётган ижодкорлар ҳақида анчагина янги ва қизиқарли маълумотларни қамраб олган. Нашрнинг масъул муҳаррири профессор Ҳамидулла Болтабоев.

А.Абдуллаев бир неча йил Афғонистонда таржимон бўлиб ишлаган ва маҳаллий ўзбек ижодкорлари фаолияти билан қизиқиб, ўзбек тилидаги газета, журнал, тўплам ва китобларни йиққан. Ҳатто қўшни юртдаги ўзбек олим ва адиблари билан шахсан учрашиб, уларнинг ижодий фаолиятлари ва режалари, ўзбек тилидаги адабиётнинг яқин тарихи, бугуни ва истиқболи ҳақида мароқли суҳбатлар қурган.

Ўқув қўлланмасида ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумот ҳамда асарларидан айрим намуналар берилган шоирлардан баъзилари ҳаётдан кўз юмган бўлсалар-да, аксарияти ҳозир ҳам ижод билан машғул. Улар орасида Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, тақдир тақозосига кўра Афғонистонга бориб муқим яшаб қолганлар ҳам бор. Тўпламга кирган жами 33 ижодкорнинг энг ёши улуғи Шарафиддин Шараф 1874 йили Тошкентда туғилган ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган, Бехбудий ва Мунаввар Қорилар билан яқин муносабатда бўлган. Бедил асарларига катта ихлос қўйгани ҳамда улуғ шоир меросини таҳлил ва тадқиқ этгани учун уни Домла Бедил Тошкандий деб ҳам аташган. Шўро даврида у Афғонистонга кўчиб кетишга мажбур бўлади ва Андхўй шаҳрида яшаб, муҳандислик қилади. 1945 йили Кобул шаҳрида вафот этган. А.Абдуллаев маълумотига кўра, юртдошимиз Шарафиддин Шарафнинг ўзбек ва дарий тилларидаги шеърлари қўлёзма мажмуа тарзида тўпланган бўлиб, Андхўй шаҳрида шоирнинг авлодлари қўлида сақланмоқда. Намуна сифатида келтирилган Алишер Навоий ғазалига боғланган мухаммас Ш.Шарафнинг шеъриятдаги иқтидорини яққол кўрсатди.

Шўро даврида она юрти Ўзбекистонни тарк этган шоирлар ижодида болалик ва ёшлик йиллари кечган Ватан соғинчи акс этган.

Ки Самарқанду гаҳи шаҳри Бухоро истар кўнгил, — деб ёзади 22 ёшида юртини тарк қилган Устод Қурбат. Ундан ҳам ўзбек ва дарий тилларидаги шеърий девон мерос қолган.

Тўпламдаги аксарият шоирлар Афғонистоннинг ўзида туғилиб ўсган бўлиб, уларнинг шеърларида ўз юртлари мадҳ этилган. Шунингдек, яқин ўтмишда Афғонистон халқлари дучор бўлган қийинчиликлар тасвирланган.

Бир ёнида тоғлар бор, кўк сарига баробар
Бир сори боғ-роғлар жаннат каби саросар, —

дея Афғонистон табиатини куйлайди шоир Мажнун Қайсорий.

Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факултетини 1988 йили тугатган Зикрулло Ишонч «Ватаним аёллари» шеърида ўз диёри аёлларини «Қайғуга беркинган маъсум турналар»га менгзайди.

Афғонистонлик ўзбек шоирлари ижодидан намуналар баъзи хорижий мамлакатларда ҳам нашр этилган. XX асрнинг 20-йиллари Қўқондан Афғонистонга кетган, 1977 йили ҳаж зиёратига бориб, Тоиф шаҳрида яшаб қолган ва шу ерда вафот этган Абдурашид Маҳдум Чустийнинг (1908-1984) шеърлар мажмуаси 1986 йили Туркиянинг Истанбул шаҳрида нашр этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда «Туркистон» газетасининг 1997 йил 30 апрел сонида Ҳ.Болтабоев сўзбошиси билан шоир ижодидан намуналар эълон қилинган. Ҳозир Америкада яшаётган Эргаш Учқун шеърлари афғон матбуотидан ташқари, Ўзбекистон ва АҚШда ҳам чоп этилган.



А.Абдуллаев ўзи таҳлил қилаётган Афғонистон ўзбек шеърияти масалаларига холисона ва илмий тарзда ёндашади. Мазкур мамлакатда бир қатор адиблар ўзбек тилида қалам тебратаётган бўлсалар-да, ҳали-ҳозирча адабий жамоатчилик шов-шувига сабаб бўладиган бадиий юксак асарлар юзага келмаганини қайд этиб, бу ҳолнинг сабабларини очиб беришга интилади. Афғонистонда ҳануз мумтоз адабиёт анъаналари устувор. Тадқиқотчининг асосий хулосаси шуки, бу заминдаги ўзбек адабиёти аста-секинлик ва қийинчиликлар билан бўлса-да, янгиланиш ва тараққий этиш йўлидан бормоқда. Бу адабиёт қад ростлаб, унинг гулшанида гўзал бадиий асарлар вужудга келиши, албатта, Ўзбекистондаги ўзбек адабиёти ютуқларидан афғонистонлик ўзбек адибларининг янада кенгроқ воқиф ва бахраманд бўлишларига ҳам кўп жиҳатдан боғliқдир.

Нашр айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Айниқса, араб алифбосидан жорий ёзувга табдил этилганда бир қанча сўзлар нотўғри ўқилган. Гарчанд қўлланма "XX аср Афғонистон ўзбек адабиёти" деб номланган бўлса-да, унга фақат шеърий ижод намуналари киритилган. А.Абдуллаев Тошқин Бақоий, Кубаро Қайвон каби ижодкорларнинг ашъор битиш билан бирга эртак, ҳикоя, ҳатто қиссалар ёзганини хабар қилса-да, бу асарларнинг мазмуни ҳақида бирон маълумот бермайди. Умуман, қўлланмада Афғонистонда ўзбек тилидаги насрнинг ривожи масалаларига ўрин ажратилмаган.

Муаллиф бу соҳадаги самарали изланишларини давом эттириб, келгусида мазкур ўқув қўлланмасининг тўлдирилган ва таком

ОЙ НУРИДАГИ ҚЎШИҚ

Боши биринчи бетда.

Мен ҳеч қачон аввал мусиқа басталаб, сўнг унга мос сўз ахтармайман. Менимча, куй сўздан ўсиб чиқади. Зулфия Мўминованинг китобини ҳар гал ўқиганимда, шу шеърга тўхталардим-у, бироқ ҳеч оҳангини тополмасдим. Одатда тунлари ижод қиламан. Ўшанда энг чиройли оҳангларни табиатнинг ўзидан оламан. Албатта, илҳомли дақиқаларни ҳам кутаман... Ниҳоят, бир тун ўзимча хиргойи қилиб, ичимдан шу оҳанглар қуйилди.

— Шоир учун ҳам, хонанда учун ҳам энг қийини Ватан ҳақида сўз айтиш. Ватанни юракда топмагунча, у ҳақда яхши қўшиқ куйлаб бўлмайди. Аммо айрим ижрочилар Ватан ҳақида фақат байрамлар учунгина нимадир ёзиш керак, деб ўйлашади...

— Тўғри, Ватан, Ватан деган билан қалб оғримаса, у халққа сингимайди... Халққа сингиши учун, у аввало, ўз дардингизга айланиши керак. Ватан ҳақида шундай куйлаш керакки, одамлар эшитиб, "Э раҳмат!" деб юборсин... Мен айтолмайман, менинг қўшиғим ҳаммага бирдай ёқди ёки ёқади деб. Ҳар ҳолда, қалбдан яралган қўшиқ барибир қалбларга таъсир қилмай қолмайди.

— Баъзида: "Санъаткорлар шеърни қадрлашади, аммо шоирларни қадрлашмайди..." деган гапни эшитиб қоламиз.

— Яхши шеър яхши қўшиқ яратиш имконини беради. Яхши шеърлар учун ҳамиша яхши шоирлардан миннатдор бўлишимиз керак. Эл севган ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири, раҳматли Муҳаммад Юсуф содда, мукаммал шеърлари билан қанчадан-қанча истеъдодли хонандаларга йўл очиб берди. Яхши оҳанглар, яхши овозлар бор-у, эсда қоладиган қўшиқлар кам. Мен бу ўринда хонандаларнинг шеириятга нисбатан муҳаббати сустлигидан хафа бўламан. Ўзим санъатга болалигимдан қизиққанман. Республика ва республикаларо ўтказилган қўшиқ танловларида ғолиб бўлганман. Онажоним дардли йўқловларни айтганида, йиғлаб эшитардим. Шўх-шўх лапарларни куйлаганда ҳамма бирдай ўйнарди. Фақат оҳанг эмас, сўз ҳам мени таъсирлантирарди ўшанда. Сўз йўлини танлаб, Тошкент Давлат педагогика институтига кириб ўқидим. Адабиётчи эканлигимдан афсусланмайман. Ҳаётимнинг шодон дамлари, маҳзун паллаларида ҳам шеърдан куч оламан, руҳланаман. Шеър дидни нозиклаштиради, кўнгилни асрайди. Ҳамиша руҳимга яқин шеърларни излайман, китобларни титкилайман. Ёш ижодкорларнинг ижодини кузатиб бораман... Халқ оғзаки ижодини яхши кўраман. Илк қўшиқларимни ҳам халқ оғзаки ижодидан олганман.

— Сиз "Акажон" қўшиғингиз билан танилдингиз, аммо кўпчилик уни турлича қабул қилди.

— Бу қўшиғимга нисбатан танқидий фикрлар ҳам бўлган. Аммо у менинг биринчи қўшиғим эмас, биринчиси "Тангрим-о..." деган қўшиқ эди. Ёш шоира М.Тожимаматованинг шу шеърини "Шарқ юлдузи"да ўқидиму, қўшиқ қилмагунимча тинчимадим. Ўшанда кўпчилик буни қўшиқ қилиб бўлмайди, дейишганди. Санъаткор қўшиқ орқали теран шеърларнинг тарғиботчиси бўлиши ҳам керак, деб ўйлайман... Ўшанда қийин сўзлар халқ кўнглига тез етиб боради.

Ойпопук шу шеърнинг бир парчасини хиргойи қилиб беради:

О, руҳим шалаббо ишқим майига,
Малаклар олдилар мени майлига,
Кетдик, ўн саккиз минг олам сайлига...
Воҳ, жоним-а...

Шу топда унинг вужудидан ўйчан ва маҳзун бир руҳ чиқиб келаётгандай бўлади. Ногаҳон унинг ботин ва зоҳирини пайқайман... Савол дилимдан тилимга кўчади:

— Ойпопук, сизнинг қиёфангизда икки хил ижрочини кўрамиз. Бири — миллий йўналишдаги оғир, вазмин қўшиқларнинг ижрочиси сифатида кучли овозга эга, аммо бу борадаги имкониятини ҳали тўла очишга шошмаётган, иккинчиси эса — бирмунча енгил, эстрада йўналишидаги шўх, ўйноқи қўшиқлар ижрочиси. Сиз буларнинг қайси бирида тўлақонлисиз?

— Уларнинг ҳар иккаласида ҳам ўзимман. Табиатан қувноқман. Шодон кайфиятни бошқаларга ҳам улашгим келади. Хонанда ўз кайфиятини юқтира билиши, одамларни эргаштира олиши керак. Қийналиб яратган қўшиқларим ўзим учун ҳам, ўзгалар учун ҳам қадрлироқ. Энг сўнгги нафасда энг дардли қўшиғимни куйлаганимда ҳам барибир кўнглимда нимадир қолаверади. Нимадир етишмаётгандай, камчилиги бордай туюлаверади. Бастакорликни даъво қилолмайман. Аммо деярли барча қўшиқларим ўз ижодий изланишларимнинг эвазига дунёга келган. Шу маънода овозим, қалбим, борингки ижодим — жиддий қўшиқларимда янада ёрқинроқ, ҳароратлироқ кўриниши табиий бўлса керак...

— Санъаткорнинг санъатга муносабати қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Ҳалол... Санъатга нисбатан ҳалол бўлсангиз, эл сизни ҳалол муҳаббатига раво кўради. Устозим Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобуловадан овозни қўйиш усулларини, санъат сирларини ўргандим. Ўзимга нисбатан талабчан бўлишга интиляпман. Ўтган йили "Халқлар дўстлиги" саройида илк яккахон концерт дастурим бўлиб ўтди. Қўшиқларни жонли ижро этдим. Бу йил ҳам концерт дастуримни фонограммасиз — жонли ижрода тақдим этиш ниятим бор. Ҳали чет эл сафарлари кутиб турибди. Истанбулдаги энг яхши овоз ёзиш студияларида аудио, видео кассеталарни чиқариш ва жаҳонга тарқатиш имкониятини қўлга киритдим... Жаҳон саҳналарида ўз қўшиқларим — ўзбек миллий қўшиқларини ижро этиш менга улкан бахт сурурини бағишлайди...

— Дарвоқе, Ойхон...

— Тушундим... Чет эллик тингловчилар учун Ойхон бўлиб танилдим. Аммо ўз мухлисларим учун Ойпопук бўлиб қолавераман. Муҳими, ҳамиша мухлисларим қалбида, уларники бўлиб қолишни истайман...

— Биз ҳам шуни сизга тилаб қоламиз...

Зебо МИРЗАЕВА

КЎРИК-ТАНЛОВ САБОҚЛАРИ

Одатда аския санъати ҳақида сўз кетганда, фолклоримизнинг бу қадимий тури фақат Фарғона водийсига хос, асосан Қўқон, Фарғона, Марғилон, Андижонда ривожланган деб қараларди. Лекин яқинда қадимий Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган "Аскиячи ва қизиқчиларнинг VI анъанавий республика кўрик-танлови"да Наманган вилоятининг Норин тумани, Жиззах шаҳри, Тошкент вилояти аскиячиларининг қатнашиши аския санъатига бўлган эътиборнинг кучайганлигидан далолат беради. Шуниси қувончлики, бу кўрик-танловда кўпроқ ёшлар иштирок этдилар, яъни "Божалар" (Тошкент вилояти), "Шов-шув" (Бухоро вилояти), "Супертабассум" (Сирдарё вилояти), "Кўнгил" (Тошкент шаҳри), "Қаҳ-қаҳа" (Самарқанд вилояти), "Қалдирғоч" (Сурхондарё вилояти) каби ёш аскиячилар гуруҳлари, эндигина мактаб ёшига етган ёш болалар ҳам фаол қатнашдилар. Айниқса, ота-бола ёки бобо-набиралар жуфтликларининг чиқишлари аскиячилик ва қизиқчилик санъатида устоз-шогирдлик анъаналари фаол давом этаётганлигини кўрсатди. Чунки бу йилги кўрик-танловда айрим ижодий гуруҳлар ўзлари тайёрлаган дастурларига қандайдир мусиқали сайқал бериб, ижро услубларини мукаммаллаштиришга ҳаракат қилганлари билинди. Жуда кўплаб миниатюра театри қатнашчилари ва қизиқчилар гуруҳлари ўз дастурларини тайёрлашда замонавий овоз ёзиш ускуналарининг имкониятларидан самарали фойдаландилар, турли қўшиқ ва куйларни ўзлари танлаган мавзуга пайваста қила олдилар. Бу қизиқчилик санъатида анъанавийлик билан замонавийлик ҳамиша омухта бўлиши зарурлигини кўрсатди. Аммо, фикримизча, қизиқчилик санъатида фонограмма ёки овоз ёзиш ускуналари меъёрини сақлаш керак. Чунки қизиқчилик ҳам худди аския каби кўпроқ бадиҳа, ҳозиржавоблик ва сўз санъатидан моҳирона фойдалана олиш иқтидорини талаб қилади.

Кейинги вақтлари аскиячилик санъатида қанақадир очиқ аския, сўзлар ва қочирмаларни бепарда қўллаш ҳолати кузатилмоқда. Айрим аскиячиларимиз маҳорат етишмаслигиданми, ё бўлмаса, устозлар анъаналаридан бехабарликданми, билмадик, ҳар ҳолда лутф ишлатишдан четга чиқиб қўполроқ аския қилишга интилишлари яққол кўзга ташланмоқдаки, буни яширишимиз керак эмас.

Болалар аскияси масаласига келсак, халқимизда бу санъат турига ёшларни мунтазам қизиқтириб, уларни босқичма-босқич тайёрлаб, аскиячилик сирларини ўргатиб бориш ўзига хос анъана бўлиб келган. Устоз аскиячилар болаларга уларнинг ёшига мос пайдавом эттиришимиз зарур. Бунинг учун аввало бу санъат тури жонли ижрочилик анъаналарини яхши сақлаб келаётган жойларда аскиячилик гуруҳларининг фаолиятларини тубдан ўзгартириш, такомиллаштириш керак. Бундай гуруҳларнинг раҳбарлари ўзлари бу санъатни жуда яхши биладиган малакали мутахассислар бўлишлари керак.

ровларни топиб ўргатганлар. Чунки катталар аскияси билан болалар иштирокидаги аскиянинг тафовути бўлиши табиийдир. Кейинги кўрик-танловларда ота билан бола ёки бобо билан набира даврага чиқиб аския қилиши анъанавий тус олмоқда. Кузатишимизча, аскиячилик санъатига ихлосманд болалар аския қилмоқчи бўлишса, ўз тенгқурлари билан саҳнага чиққанлари маъқул. Мабодо устоз аскиячи эндигина бу санъатга кириб келаётган ёш шогирди билан саҳнага чиқмоқчи бўлса, мавзуни олдиндан яхшилаб пишитиб, унинг ҳар бир сўзини болага мослаб ишлатсагина аскиячиликнинг табиатига футур етмайди. Биз кўрик-танловда ота билан бола ўртасидаги хом-хатала, ҳали маромига етмаган аскияга ҳам дуч келдик. Айниқса, яланғоч аскияни бола тилидан тинглаш ҳам уят, ҳам ҳеч қайси тарбияга мувофиқ келмайдиган ишдир. Азалдан анъанавий аскиячилигимизда ота ва унинг фарзандлари аскияда одоб ва андиша доирасидан чиқмаганлар...

Аския санъати ғоят қадимий санъат, ўзимизга хос, халқимизнинг миллий менталитетига мос сўз санъати. Сўзлар жилосини ҳеч бир санъат тури аскиячалик жозибадор намоён этолмаса керак. Аския соф миллий санъат бўлганлиги учун ҳам унинг энг яхши анъаналарини

Аския ҳам, қизиқчилик ҳам ҳамиша реал ҳаётнинг кўзгуси бўлиб келган. Бу санъатга жило бериб келган устоз аскиячи ва қизиқчилар мавзуни бевосита ҳаётнинг ўзидан олганлар. Шунинг учун ҳам аския билан қизиқчилик халқ қалбига яқин, унинг севимли санъати бўлиб келган. Ҳозир ҳам ҳаётимизда камчиликлар, нуқсонлар бор. Аскиячилар устозларидан ўрганган бир хилдаги пайровларни ҳадеб такрорлайвермасдан матн устида доимий изланиш олиб боришлари, янги услубдаги аския йўналишларини яратишлари керак.

Аскиячилик кўпроқ Фарғона водийсида ривожланиб келган, ўтган кўрик-танлов шуни кўрсатдики, водий вилоятларидан бошқа ҳудудларда ҳам бу санъатга бўлган қизиқиш йил сайин кучаймоқда. Танлов яна шуни кўрсатдики, аския билан қизиқчиликнинг тафовутини ҳали кўпчилик ижрочилар яхши билишмас эканлар. Аскияга қизиқчилик унсурлари аралашиб кетаётир. Қизиқчилар эса аския йўналишидан кўп фойдаланадилар. Балки, аскиячилик ва қизиқчилик санъатида бундай жанрлараро муносабатларнинг бўлиши, ҳар икки турга хос усуллар ўзаро чатишиб кетиши табиий ҳолдир. Аммо, фикримизча, ҳар қандай жанрлараро алоқа муайян меъёр доирасида юз бергани маъқул.

Кўрик-танловда айрим ижрочиларнинг дастурларини тинглаб ўтириб кўнглимиздан яна бир гап ўтди. Аскиячиликда энг асосий масала нозик сўз ўйини орқали ифодаланган маънони тингловчига маҳорат билан етказиб бера олишдир. Агар ижрочи сўзларни тўғри ва маънодор талаффуз эта олмаса, тингловчи уни қандай англасин! Умуман, аскияда сўзларни тўғри талаффуз қилиш маҳорати етакчи мезон ҳисобланади.

Шундай камчиликлар ҳозирча қизиқчилик санъатимизга ҳам хос.

Модомики, аскиячи ва қизиқчиликларнинг кўрик-танлови ҳар икки йилда бир марта анъанавий тарзда ўтказилар экан, бу тадбирни такомиллаштириш билан боғлиқ айрим таклифларни ўртага ташламоқчи эдик. Бизнингча, галдаги кўрикларда аскиячилик, қизиқчилик, миниатюра театрининг дастурлари ва ҳажвий ўлан айтишувларини алоҳида йўналишлар бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Негадир, миллий қизиқчилигимизда қадимдан мавжуд бўлган бир жиҳат бугунги кунда кўзга ташланмаётир. Бу — аёллар қизиқчилиги бўлиб, ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида Ургут туманида Тошкент, Қўқон, Бухоро, Шаҳрисабз, Денов ва бошқа шаҳарларда жуда иқтидорли қизиқчи аёллар ўз санъатлари билан эл назарига тушганликлари маълум. Бизнингча, юксак ижодий салоҳият соҳиби бўлган халқимиз орасида ана шундай сўзга чечан, зукко қизиқчи аёллар ҳозир ҳам кўплаб топилади...

Аскиячилик ва қизиқчилик бадиҳага асосланган, доимий равишда такомиллашиб, янгидан-янги мавзулар, асарлар ҳисобига бойиб борадиган санъат. Шунинг учун халқ ижодиётининг бу ноёб турига оид бой бадиий меросни келгуси авлодларга етказиш учун сақлаб қолиш, унинг қадимий анъаналарини изчил давом эттириш мақсадида аския ва қизиқчилик намуналарини ёзиб олиш учун фолклор экспедициялари ташкил этиш, аския ва қизиқчилик санъатининг тарихи, анъаналари ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қиладиган филмлар яратиш, энг асосийси, ўзбек аскиячилиги ва қизиқчилиги санъатининг видеофонотекаси фондини яратишни кун тартибига қўймоғимиз лозим.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
Ўткир ТОҲИРОВ,
Носир ОТАБОЕВ

СУРНАЙ НАВОСИ

Ёднома

Аҳмаджоннинг болалик йиллари бошқа тенгқурларига нисбатан анча қийинчилик билан кечди. Ота-онасига тирикчилик, рўзғор юмушларида ёрдамлашишга барвақт киришди. Бундан ташқари, миллий мусиқа санъатига ишқибозлик ҳам тинчлик бермасди. Табиатан тиришқоқ Аҳмаджон мактабдаги мусиқа тўгарагида дутор, доира каби чолғуларни анча ўзлаштириб, яхшигина созандалик лаёқатини намоён қилди.

Кейинчалик уни халқимизнинг қадимий, бетакрор чолғуси сурнай ўзига ром этди. Диёримизга донғи кетган мумтоз чолғу усталари — Қаюм ота Абдуллаев ва Маҳкам Собировларга шогирдликка тушди.

Сурнай анчайин қийин чолғулардан бўлиб, уни созанда юраги тубидан чиқувчи наволи нидо билан юқори авж пардаларда бир нафасда, текис ижро этгандагина тингловчини ўзига ром этади. Бу эса созанданинг маҳорати ва истеъдоди кучига боғлиқ. Ёш Аҳмаджон шундай қобилияти туфайли тез орада мустақил ижрочи сифатида устозларидан оқ фотиҳа олди.

Аҳмаджон Ҳожибоев йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларидан то янги асримизнинг учинчи йилига қадар бетакрор санъати билан халқимизга беминнат хизмат қилиб келди. Аҳмаджон аканинг шуҳрати мамлакатимиздан ташқари Марказий Осиё, Кавказорти республикалари ва ундан ташқарига ҳам ёйилган эди. Унинг санъатига тан берган машҳур ҳофиза Зайнаб хоним Хонларова бир неча концертларига Аҳмаджон акани сурнай сози билан жўр қилиб, оҳанрабо тасмаларига ёздирган, ҳатто ансамблига таклиф этган.

У телевидение ва радиода ўзининг яккахон концертлари билан кўп чиқишлар қилган. Олтин фондда созанда ижросидаги "Сурнай навоси", "Наврўзи ажам", "Чоргоҳ", "Дилхирож", "Шароф", "Куйгай", "Отмагай тонг", "Омон ёр" каби ўттиздан ортиқ мумтоз куй-қўшиқлар сақланади.

Устоз тўй-томошаларда халқ хизматини қилди. «Наврўз», «Мустақиллик» байрамларида, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалларида иштирок этди. Болгария, Венгрия, Германия, Франция, Хитой, Ҳиндистон каби хорижий давлатларда ўзбекнинг «сурнай навоси»ни янгратиб, бу мумтоз чолғу созимизнинг шуҳратига-шуҳрат қўшди. Уста Қаюм ота шогирди ҳақида гап кетса: "Аҳмаджон созандаликда жуда юқорилаб, устозларидан ўтиб кетди. Унга Ҳизр нафас берган", деб қўярдилар. Аҳоли ўртасида эса: «Аҳмаджон сурнайда машқ қилса, булбуллар келиб созига қўнади", деган нақл юрарди. Шу боис, ҳукуматимизнинг "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлганди.

Мана, Аҳмаджон Ҳожи Ҳожибоевнинг орамиздан кетганига ҳам бир йил бўлди. Аммо унинг сермаҳсул ижоди, қилган яхши амалларини фарзандлари, шогирдлари давом эттирмоқда. Аллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин.

Миробид ИНОЯТОВ

«МАҚОМОТ» ЯНГИЧА НУҚТАИ НАЗАР

Китобингизни ўқидим



Бизгача етиб келган мусиқий анъаналарнинг давом этиши авлодлар занжирининг мустаҳкамлигидан далолатдир. Бу борада халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган мақомлар, мақом йўлларига мансуб мумтоз мусиқа асарлари ҳозирча ўзининг бадиий-эстетик имкониятларини юқори даражада сақлаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўз нуқтаи назарини, изланишларини ва билимини ана шундай долзарб масалаларга сарф этган таниқли мусиқашунос олим Отаназар Матёқубовнинг "Мақомот" номли маданий-тарихий, фалсафий-эстетик ва илмий-амалий китоби ("Мусиқа" нашриёти, 2004 й.) бу йўлдаги жиддий қадамлардан бири бўлди.

Мусиқий шарқшунослик, хусусан, мақомшунослик борасида ХХ асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган ишлар, илмий изланишлар ўз қадр-қимматига кўра салмоқли ўрин тутса-да, умумий маънода илмий тушунчаларни жамлаш, улар асосида янги концепцияларни шакллантириш заруриятн аср охирига келиб бўй кўрсатиб қолди. Бунга сабаб ҳар соҳа каби мақом ижрочилиги, илгариги тавсиф билан айтилганда, "оғзаки анъанадаги профессионал жанр" ҳам ўзининг қарийб минг йиллик ривожланиш жараёнига кўра ХХ асрда кўпдан-кўп ривожий ва ёки таназзулий ўзгаришларни бошдан кечириб, турли қарашлар, тадқиқотлар учун мавзулар келтириб чиқарди. ХХ асрда ўзбек миллий мусиқаси "Шашмақом" ёки умуман мақомларга оид катта ҳажмли тадқиқотларни жамлаган (ягона қўлланма) муҳтарам устоз, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Исҳоқ Ражабовнинг "Мақомлар хусусида" деб номланган асари ҳисобланади. Асар чоп этилганига қарийб ярим аср бўлган бўлса ҳам мусиқий шарқшуносликда энг мукаммал қўлланма саналиб келинади.

Лекин илгари қатағон қилинган нуқтаи назарлар, илмий қарашлар баралла айтила бошланган ҳозирги пайтга келиб, фикрлар хилма-хиллигини саралаш, ҳаққоний далил-исботларни таққослаш замонавий мусиқашуносликнинг долзарб вазифасига айланди. Бундай мураккаб вазифани зиммасига оладиган мусиқашунос олимларимиз эса бармоқ билан санарли даражада кам.

Таниқли мусиқашунос Отаназар Матёқубовнинг "Мақомот" китоби биз юқорида тилга олиб ўтган муаммоларни ўз ичига олган ва бир қадар жасорат билан ёзилган катта илмий изланишнинг маҳсули, десак хато бўлмайди. "Жасорат билан" деганимизда шуни назарда тутяпмизки, яқин 50-60 йил ичида анъанавий ижрочиликда ҳам, мусиқашуносликда ҳам шундай бир қарашлар, қоидалар шаклланган эдики, бу қоида-қарашларга унча-мунча одам эътироз билдира олмаган ёхуд танқидий фикрлар айтолмаган. О.Матёқубов асарида шу қарашларга нисбатан дадил танқидий фикрлар илгари сурилади. Айниқса, шўро даври мафкураси таъсирида шаклланган баъзи қарашлар соғлом фикр юрита оладиган мутахассисларнигина эмас, шинавандаларни ҳам ажаблантира бошлаган эди. Чунончи, нафақат мусиқашуносликда, балки кенг омма ўртасида тан олинган маҳаллий мусиқий йўналишлар, "Бухоро Шашмақоми", "Хоразм мақомлари", "Фарғона — Тошкент мақом йўллари" деган тушунчалар соф илмий нуқтаи назарлар ўрнига, шўро мафкураси даврида вилоятларда истиқомат қилаётган халқни бир-биридан бегоналаштириш, улар ўртасига адоват солиш каби киши билмас сиёсий найрангларга хизмат қилдирилган. Анъанавий ижрочилигимизнинг салмоқли ҳиссасини ўз ичига олувчи "Бухоро Шашмақоми" хусусида гап кетганда, ҳозиргача мунозараларга сабаб бўладиган баъзи ўринларни О.Матёқубов тарихий далил ва шароитларни ўрганган ҳолда чуқур ёритишга ҳаракат қилган.

Китобнинг номланишига келсак, бу ўринда ҳам муаллиф ўзига хос фикр билан чиққан: "Мақомот" сўзи кенгроқ маъно касб этиб, бошқа шарқ халқларига тегишли бўлган, лекин мазмунмоҳияти билан битта маънони англатувчи муғом, муқом сўзларининг ҳам умумлаштирилган тавсифини англатиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, мусиқий шарқшуносликка "Мақомот" атамаси дадил олиб кирилганлиги таҳсинга сазовор, деб ўйлаймиз".

Китобни кўздан кечириб, унда номланишдаги мазмун ўз ифодасини топганлигига амин бўламиз. Чунки Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиёда шаклланган мақомлар тизими шу пайтгача, аниқроғи, мустақилликкача айрича сепаратистик руҳда, халқлар маданиятини бир-биридан бегоналаштиришга хизмат қилувчи омилларга суянган ҳолда шўро мафкурасига ҳамоҳанг ўрганиб келинди.

О.Матёқубовнинг ютуғи шундаки, ана шу қарашлардан мутлақо фарқланувчи, соф илмий-тарихий нуқтаи назарларга хизмат қилувчи, хусусан, мақомларни бир бутун яхлит тизим сифатида ўрганувчи асар яратишга муваффақ бўлган. Китобнинг биринчи қисми нашрдан чиққани республика илмий-маданий ҳаётида, мусиқий шарқшуносликда алоҳида бир ҳодиса, десак бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, китобнинг айрим бобларида мунозарали ўринлар ҳам йўқ эмас. Баъзи оммавий қабул қилишга таклиф этилган "истилоҳлар" ёхуд шеърий матнлардаги таҳриллар, албатта, нуктадон олимлар, мусиқий жамоатчилик томонидан ўз ўрнида баҳоланади, деб ўйлаймиз.

Рифатилла ҚОСИМОВ, профессор,
Маҳмуд ТОЖИБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизи

Дунё—кенг...

ОДАМ ТУПРОҚДАН ЯРАЛГАНМИ?

Япониялик олимлар Ерга коинотдан тушган юлдузлар чангининг зарраларини аниқлашга муваффақ бўлишди. Бу зарралар Қуёш системаси шаклланганга қадар пайдо бўлгани тахмин қилинмоқда. Чанг зарралари Марокаш ва Жазоир саҳроларига тушган иккита унча катта бўлмаган метеоритлардан топилган. Ана шу топилдиқлар шовшувли башоратларга сабаб бўлаётир.

Токио саноат университетининг олимлари астрономия профессори Ясуки Касиямото раҳбарлигида янги рақамли оптик қурилма ёрдамида зарраларнинг сирли таркибини тадқиқ этишди. "Юлдузлар чанги — бу коинотга сочилиб кетган минераллар зарралари. Улар ўлаётган атомлар ва портлаётган юлдузлардан таркиб топган, — дейди NACAнинг етакчи маслаҳатчиси академик Роалд Сагдеев. — Шундай тупроқ зарралари Ер ва бошқа сайёраларнинг пайдо бўлишида асосий "хомашё" бўлган. Уларни тадқиқ қилиб, олимлар Қуёш ва бошқа юлдузлар системаларининг пайдо бўлиши тарихини ёритишга умид боғлашмоқда. Агар бу кашфиёт амалга ошса, уни фан оламидаги жаҳоншумул янгилик дейиш мумкин бўлади."

Олимнинг айтишича, Африкага тушган ўша метеоритлардан етти дона тупроқ зарраси топилган, уларнинг энг каттаси бир микрометр (миллиметрнинг мингдан бири) бўлиб, Қуёш системаси пайдо бўлишидан олдин (Қуёш системасининг ёши 4,6 миллиард йил, деб белгиланган) иккита турли хил юлдуздан ажралиб чиққан, дея фараз қилинади. Кимёвий таркибига кўра, зарралар силикатлар синфига, яъни ер қатламининг 80 фоизини ташкил этган муҳим тупроқ ҳосил қилувчи минералларга оид. Зарраларнинг ёши нечадалигини ҳеч ким билмайди, бироқ энг тўғри тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, уларнинг ёши олти миллиард йилдан кам эмас.

— Бу кашфиёт, эҳтимол, одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ сиру синоатга ҳам ойдинлик киритар, зеро, Дарвин назарияси ўзининг аллақачон асоссизлигини кўрсатди, — дейди Р.Сагдеев. — Ҳозир урф бўлган, француз биофизиги Марсел Лавуантьега тегишли гипотезага кўра, ҳозирги одам коинот яралишининг уч асосий босқичи пайтида юзага келган юлдузлар чанги ва базавий элементлардан таркиб топган. Француз олимлари одам организми асосларини чуқур кимёвий анализ қилишгач, мана шундай кутилмаган хулосага келишган. Одам танасининг тахминан ўн фоизи водороддан иборат бўлиб, у Оламнинг пайдо бўлишига олиб келган улкан портлашдан кейинги илк лаҳзаларда юзага келган. Бундан ташқари, одам организми таркибида углерод, азот, кальций, фосфор ҳам борки, буларнинг пайдо бўлиши сайёраларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Одам организмининг учинчи кимёвий асоси юлдузлар марказида ядроларнинг пайдо бўлиши босқичи билан боғлиқ. Демак, одам организмида қўрғошин, кумуш борлиги, никел, кобальт, қўрғошин ва молибден излари учраши аниқланган. Хуллас, илмий кимёвий тадқиқотлар муқаддас китоблардаги одам тупроқдан яралган, деган таълимотни тўла тасдиқлайди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Таҳрир ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Фарҳод МАҲКАМОВ
Саҳифаловчи — Шохруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 661. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи — 4580